Деҳқон ҳар ойда маош олса, яъни манфаати нақд бўлса, у бош кўтармай **меҳнат** қилади
2-бет

БЕЛГРАД ОСТОНАСИДА ДУЭЛ:
С. Милошевич ва НАТО
3 - б е т

Фозилжон Ориповнинг навбатдаги бошқотирмаси
4-бет

МУСТАҚИЛ ГАЗЕТА

ҲУРРИЯТ

1996 йил декабрдан чиқа бошлаган

Чоршанба кунлари чиқади | 1999 йил 24 февраль — 2 март | № 8 (110)

ОЧИҚ ЭШИК ДАРКОР

Таклиф

Қадимдан донишманду шоҳлар ва хонлар оддий раиятнинг қалбига йўл топишнинг оддий ва жўн услубларини топганки, бундан ҳукмдор ҳам, раият ҳам манфаат кўрган. Улар ҳафтада, ойда бир кун саройлари, салтанатларининг дарвозаларини оддий халқ учун очиб қўйган. Хусусан, буюк бобокалонимиз Амир Темур ўзининг ''очиқ эшик'' каби машваратларида оддий халқ дилини сўраган, одамлар билан очиқ юзма-юз суҳбатлар орқали эл дардини англаган, ҳар бир шикоят қилувчининг сўзини бўлмай, уни охиригача сабр билан тинглаб, кейин хулоса қилган. Шу тариқа раиятга зулм қилган, заҳмат чекишига сабабчи бўлган мухрдорларни, солиқ йиғувчиларни, ҳокимларни жазолаган.

Саудия Арабистонининг шоҳи Абдул Азиз асримиз бошларидаёқ ''очиқ эшиклар'' иш услубидан кенг фойдаланиб мамлакатда адолат ўрнатилишига эришган.У ҳукумат биноси ёнида шикоятлар учун махсус қутилар осдириб қўйиб, унинг калитини ўзида сақлаган. Имзо чекилган шикоятларни шахсан ўзи кўриб чиққан, шикоят тафсилотларини оғзаки айтмоқчи бўлганларни эринмай қабул қилган.

Бизнинг истагимиз шуки, Ўзбекистонда одил фуқаролар жамиятини қуришдек буюк вазифани қўйган эканмиз, бу йўлдан мақсад сари изчил борар эканмиз, халқ қалбига кириб боришнинг энг оддий иш услуби ''очиқ эшиклар'' орқали амалга оширилса айни муддао бўларди.

Бу масалада ҳар бир катта ва кичик идора, туман, шаҳар, вилоят ҳокимларидан тортиб Бош вазиргача, вазирлардан тортиб Президентгача маълум бир куни ''очиқ эшиклар'' орқали оддий халқ билан мулоқот қилишга киришсалар деган истагимиз бор.

Яна шуни истардикки, ҳар бир ҳоким ўзининг биноси ёнига шикоятлар учун махсус қутилар қўйдириб, унинг калитини ўзида сақласа, тушган шикоятларни ўзлари ҳал қилсалар нур устига нур бўларди. Газета таҳририятларига ҳам шуни таклиф қилардик.

Неъматжон ҲАСАНОВ

БИЗНИ ҚЎРҚИТОЛМАЙСИЗ!

Мустақиллик йўлида бораётган халқ чалғимайди

Муносабат

Кун қуёшли, осмон мусаффо эди. Бошланиб келаётган оддий кун ҳеч бир хавотирга ўрин қолдирмасди.

Шу куни Вазирлар Маҳкамасида 1998 йилда республикани ривожлантириш якунларига ҳамда 1999 йилда иқтисодий ривожлантиришнинг устивор йўналишларига бағишланган мажлис ўтказилиши мўлжалланган, унга вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирликлар, қўмиталар, концернлар, корпорациялар, уюшмалар ҳамда идораларнинг раҳбарлари иштирок этиши керак эди. Албатта ушбу йиғин бўлишидан ҳамма эмас, ташкилотчилар ва таклиф этилганлар бохабар эдилар, холос. Мен бу ҳолни алоҳида таъкидлашимнинг боиси шуки, зарба айнан мамлакат раҳбариятига йўналтирилган бўлиб, мақсад барқарор вазиятни издан чиқариш эди.

Мажлис, сал кечроқ бўлса-да, Олий Мажлис биносида бўлиб ўтди.

Ҳа, мамлакатимиздаги тинчлик-барқарорлик, мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон сиёсат саҳнасидаги дадил қадамлари кимларгадир ёқмай, уларнинг ғашини келтирмоқда. Улар ўзлари учун дориломон кунлар келишини орзиқиб кутяптилар. Улар халқ қайғу-аламига, инсон ўлимига бепарводирлар, илло, портлашлар қурбонлар олиб келишини билганлари ҳолда бу ишга совуққонлик билан қўл урдилар.

Улар Мустақиллик майдонида давлатимиз мустақиллигининг тамал тошини қўйган Раҳбарга суиқасд қилишдек манфурликка бориб етдилар. Улар ўзларини эҳтимол янги ислоҳотлар, қайта қуришлар ҳимоячилари деб биладилар, аслида эса эл кўзидан яширинча, пана-пастқам жойларда ўз қора ишларини хуфёна тарзда амалга оширадилар. Улар чиябўрилар янглиғ пусиб қолиб бизнинг соғлом жамиятимиз, Президент раҳбарияти фаолиятига дахл қилмоқчи бўлдилар. Мен уларни ҳатто фуқаролар деб ҳам атагим келмайди. Улар жамиятнинг чиркин қуйқалари, холос.

Ўз-ўзидан аён, инсон ҳаёти ҳар қандай иншоотдан юксак туради. Шунга қарамай, қисман вайрон этилган биноларни кўриб дилим ачишади. Ахир пойтахтимиз йил сайин тобора чирой очиб бормоқда. Бу эса минглаб юртдошларимизнинг фидокорона меҳнати самарасидир.

Қора ниятли кучлар бозор иқтисодига ўтишларининг баъзи қийинчиликларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб қолмоқчи бўлдилар. Бироқ, мен шуни ишонч билан айтишим мумкинки, улар Ўзбекистонни ўзи танлаган йўлидан чекинтира олмайдилар, барқарорликка путур етказа олмайдилар.

Ўзбекистон халқи ўз эркинлиги, мустақиллиги ва Президентини ҳимоя қилиш учун ўзида куч топа олади!

Улар жамиятга парокандалик, бошбошдоқлик олиб кирмоқчи эдилар, аммо қаттиқ янглишдилар. Миллий низо, тартибсизликлар кутган эдилар улар, бироқ аксига дуч келдилар.

Халқ бирлашди, ўз сафларини метиндек мустаҳкамлади. Бутун республикамиз бўйлаб ўтаётган митинглар, уларда юртдошларимиз террорчиларга нисбатан қаҳр-ғазабларини ошкор этаётганлари ҳам фикримиз далилидир. Халқ нафрати эса бундай касларни ер юзидан супуриб ташлайди.

Асосийси эса, бизнинг мамлакатимиз гуллаб-яшнашига, мустақиллигига қарши қора кучлар мавжудлигини ўз кўзи билан кўрган ёш авлоднинг ватанпарварлик туйғулари кучайди.

Мен ўша машъум куни рўй берган бир учрашув ҳақида ёзмоқчиман. Кетма-кет портлашлардан қўрқиб кетган 110-мактабнинг бошланғич синф ўқувчисини тўхтатиб, вазиятни имкон қадар тушунтирдим. Шунда қизча жавобан деди: ''Раҳмат Сизга. Энди ҳаммасини англадим. Энди мен қўрқмайман. Чунки ҳукуматимиз ва Президентимиз бизни барча хавф-хатарлардан ҳимоя қилишини билиб олдим''.

Бундай ҳодисалар сўнгги пайтлари андек эсдан чиққан ҳушёрликни кучайтиради, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиради.

Ҳа, бу ҳодиса ҳаммамиз учун сабоқ бўлди. Тинчлик ва хотиржамликнинг ўз тўловлари бор. Шундай экан, ҳушёрликни ёддан чиқармайлик.

Душманларимиз эса, билиб қўйишсин, биз керак пайтда уларнинг ҳар қандай зарбасига муносиб жавоб қайтаришга тайёрмиз.

Биз, Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ходимлари, ишонч билан баёнот бера оламизки, бундай қўпорувчилик ҳаракатлари бизни йўлимиздан асло қайтаролмайди. Биз Президент бошчилигида барча ислоҳотларни амалга оширамиз.

Эркинлик таъмини тотиб кўрган халқни асло қўрқитиб бўлмайди!

Аббос АЛИМБОЕВ,
жамғарма бош директори

P.S. Мақоланинг қалам ҳақини 16 февраль куни жабр чекканларга ёрдам кўрсатиш учун очилган махсус ҳисобга ўтказишларингизни илтимос қиламан.

ЁШЛАР ИШОНЧНИ ОҚЛАЙДИ

Муносабат

Сўнгги йилларда мамлакатимизда кечаётган тинчлик ва барқарорлик шароитига шу қадар кўникиб, уни табиий бир жараён сифатида қабул қилмоқда эканмизки, баайни соғлом одам сиҳатини ўйламагани янглиғ, биз ҳам бу жараённинг нелар ва кимлар эвазига собит турганлиги хусусида дўппини бир чеккага қўйиб, мундоқ бир ўйлаб кўришга-да ҳафсала қилмабмиз.

16 февраль куни пойтахтимизда рўй берган мудҳиш воқеалар бизнинг мана шу лоқайдлигимиз, эътиборсизлигимиз жамият учун нақадар хавфли иллатга айланиб кетиши мумкинлигини яққол намоён этди-қўйди.

Ҳа, афсуски, азалдан икки карра икки янглиғ оддий ҳақиқат борки, террор, куч ишлатиш айнан бегуноҳ одамларни маҳв этиши билан ҳам даҳшатли ва ёвуздир.

Бироқ биз яна бир нарсани-да эътироф этмоғимиз жоиз: айнан мана шундай дақиқаларда баъзан кимнинг аслида ким эканлиги ҳам беихтиёр намоён бўлади-қолади. Инсон, бутун бошли халқ, демократия сари қадам қўяётган мамлакат тақдири ҳал бўлаётганда-ку инчунин. Айниқса бундай оғир лаҳзаларда элнинг нигоҳи раҳбарга қадалади..

Машъум Фарғона, Ўш, Ўзган воқеалари юз берган чоғда Ўзбекистон Президенти оқ отда тўполон содир бўлаётган жойга кириб келиб, ўз мардлиги, матонати, бардоши, ирода кучи билан улкан қирпичоққа айланиб кетиши мумкин бўлган ихтилофнинг олдини олди, деган гапларни эшитганмиз. Кечаги воқелар, айниқса, ўзига қарши уюштирилган суиқасддан сўнг орадан ярим соат ҳам ўтмасдан /!/ телевиденияга интервью берган Президент бўлиб ўтган хунрезлик моҳиятини босиқлик билан очиб ташларкан, одамларни ваҳимага тушмасликка чорларкан, назаримизда, бутун бошли халқ ўз йўлбошчисининг матонатли, иродали, бардошли ҳақиқий Раҳбар эканлигига яна бир бор имон келтирди. Орадан икки соат ўтиб эса Олий Мажлис биносида 1998 йил якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди...

Мана шу эмасми Ибрат аталмиш тушунчанинг энг ҳаётий намунаси! Мана шу эмасми миллатга, халққа, бугунги кунга, эртанги кунга ишончнинг энг ёрқин кўриниши!..

Президентнинг навбатдаги чиқишларини ҳам диққат билан тингларканмиз, яна бир нарсага ишонч ҳосил қилдик: биз ҳуқуқий-демократик жамиятда яшамоқдамиз. Яъни қонли қўпорувчилик ҳаракати ижрочилари ва ғоявий раҳбарлари одил суд олдида жавоб беражаклар. Эҳтиросларини қайнаб-тошаётган ёшлар ўқув даргоҳларида, корхона ва муассасаларда, маҳаллаларда бўлаётган йиғинларда давлатимиз олиб бораётган сиёсатга, унинг раҳбарига ўз чексиз садоқатларини изҳор қиларканлар, кимларнидир ''ур калтак-сур калтак'' қилишни эмас, жиноятчиларнинг халқ олдида, қурбон бўлганларнинг қариндош-уруғлари, яқинлари олдида жавоб беришини талаб қилмоқдалар. Айнан мана шундай талабларнинг бўлаётганлигининг ўзиёқ халқимизнинг ҳуқуқий онги шаклланиб бораётганидан далолатдир. Зеро, очиқ, ошкор суд жараёнигина бундай манфур ҳаракатларнинг илдизига болта уради, бундай ёвуз кучлар тепасида ўтирган ёвуз ''арбоб''ларнинг, ''буюртмачи''ларнинг кимлигини, уларнинг асл мақсадларини фош этади.

Бугун мамлакатимиз раҳбари, ҳукуматимиз биз ёшларга жуда катта ишонч билдирмоқда. Ўз навбатида бу улкан ишонч зиммамизга улкан масъулият ҳам юклашини биз дил-дилдан ҳис этиб турибмиз. Айни пайтда биз ёшларнинг бугун ибрат олса арзигулик матонатли, метин иродали йўлбошчиси бор. Юрт раҳбарига бўлган ишонч, эҳтиром, муҳаббат, қолаверса, ҳайрат ва ҳавас туйғулари эса фақат жамиятнинг, онг-тафаккуримизнинг тозаланиши учун хизмат қилади.

Файласуфлардан бири ''Сен менга бугунги ёшларнинг кайфиятини айтиб бер, мен сенга мамлакатингнинг келажагини айтиб берай'' қабилида ҳикматли гап айтган экан. Шуни ишонч билан айта оламизки, бугунги мустақил Ўзбекистон ёшлари некбин кайфиятдалар. Биз ўз келажагимизга, ўз раҳбаримизга ишонамиз. Ва айрим қора гуруҳларнинг бу муқаддас ишончни барҳам топтириш йўлида қилган барча ҳаракатлари пучга чиқажак.

"ЁШЛИК" журнали ижодий жамоаси

ҲАЛҚ ҲАМЖИҲАТЛИГИНИ КЎРСАТДИ

Кеча Президент И.Каримов хорижий давлатлар элчихоналарининг вакиллари ва журналистларини қабул қилиб 16 февраль воқеаси ҳақида батафсил ахборот берди ва хорижий матбуот вакилларининг кўплаб саволларига жавоб қайтарди.

Бундан бир ҳафта бурун амалга оширилган қуролли тажовуз мамлакатимиз аҳолиси энг қалтис дақиқаларда ҳам ўзини йўқотмаслигини, ўз олдига қўйган улуғ мақсадлардан оғишмаслигини намойиш этди. Шу билан бирга Ўзбекистон халқи ва унинг ҳукумати, айниқса Президенти бошига тушган фалокатдан жаҳон ҳамжамияти нечоғли қайғургани пешма-пеш йўлланган ҳамдардлик хатларида ўз ифодасини топди.

И.Каримов бунинг учун йиғилганларга самимий миннатдорчилик изҳор этди.

Шундан сўнг Президент воқеани дақиқама-дақиқа қай тартибда кечганини тасвирлаб берди, дастлабки қўлга олинган гумондорларнинг сонини, айримларининг исм-шарифини айтди.

Хўш, нима сабабдан террор айнан Тошкентда содир этилди?

Биринчидан, Ўзбекистон минтақа барқарорлигининг маркази бўлиб турибди, бу ҳолга нисбатан ғайирлигини яшира олмаётган кучлар мавжуд. Иккинчидан эса ислом маданиятининг маркази бўлмиш Ўзбекистон замонавий демократик йўлдан борадими ёхуд исломий давлат қуришга ўтадими — ана шундан ташвишланаётганлар ҳам бор.

Биз ота-боболаримизнинг муқаддас динидан асло юз ўгирмаймиз, лекин бизнинг йўлимиз демократик-ҳуқуқий жамият қуриш! Халқимизни бу йўлдан чалғитувчи, бу йўлдан қайтарувчи куч йўқ.

Террор - курашнинг энг тубан усули, энг ёвуз усул. Унга қарши курашиш керак албатта. Янада муҳими - террор ғоясига қарши курашишдир. Ёши ўтган одамлардан террорчи чиқмайди, ёшларни эса чалғитиш мумкин.

Демак, биз ёшларимиз ақл-идрокини ғанимлар ихтиёрига ташлаб қўймаслигимиз керак. ''Умид'' жамғармаси орқали юзлаб йигит-қизларимизнинг миллионлаб доллар эвазига тараққий этган мамлакатларга юборилганининг боиси ҳам шунда.

Агрессияга қарши курашнинг энг самарали йўли - ёшлар тарбияси!

Ўзбекистон барқарор мамлакат бўлиб қолади.

Суҳбат сўнгида И.Каримов журналистларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтарди.

Мухбиримиз

5 ДОНА МУХБИР, 50 ТА МЕЛИСА ВА... РАНЖИГАН МУХЛИСЛАР

JAR спорт мажмуи (яқини)дан репортажнамо бир нарса

21 февраль. Майдалаб ёғаётган ёмғир одамнинг жон-жонидан ўтарди. Ўша куни Саудия Арабистонининг ''Ал-Иттиҳод'' футбол жамоаси шаҳримизга меҳмон бўлиб келган, бизнинг ''Пахтакор'' жамоамизга қарши тўп суриши керак эди. Ўйин ҳам негадир JAR спорт мажмуига кўчирилганди...

Ўша куни бешала ҳамкасб ажойиб футбол томошаси илинжида спорт мажмуи сари отландик. Мажмуа яқинига етганимизда юзларча оломоннинг мелиса ходимлари томонидан ўйингоҳга қўйилмаётганди, кўп мухлислар қўлларида билетлари борлигини айтишарди. Биз эса тўғри бориб, мелиса ходимларига хизмат гувоҳномаларимизни кўрсатдик. Аввалига икки-уч ёшгина мелиса йигитлар ''мухбир'', ''бўлим муҳаррири'', ''масъул котиб'' деган ёзувларни ўқиб,бир-бирларига таажжубланиб қарашди. Кейин эса кимдир:

-- Э, булар ''Постда''га ёзади-да... -- деди.

-- Булар-чи, анови микрофон ушлаб турадиганлардан-да! -- деди-ю, ўзининг донолигидан мазза қилиб кулди иккинчиси.

Биз ҳам ўз навбатида стадионга киришимиз кераклигини, ўйин ҳақида мақола тайёрлашимиз кераклигини уқтирдик. Улар эса ''юқори''дан ''ҳеч кимни киритмайсан'' деган топшириқ бўлганини рўкач қилишди. Тағин мухбирлигимизга бориб, ''юқори''дан ким буйруқ берганини суриштирдик, улар елка қисишди.

''Алай-балай'' дегунча ўйин ҳам тугади. Стадиондан чиқаётган баъзи мухлислардан ҳисобни сўраб улгурдик: бизнинг азаматлар атиги 0:1 га бой беришган экан...

Уйга тарвузимиз қўлтиқдан тушиб қайтдик. Севимли жамоамизнинг ютқизгани бир бўлса, стадионга кира олмаганимиз -- жилла қурса, ўйинни телевизордан кўра олмаганимиз икки бўлди. Бунинг устига кўп мухлисларнинг билет пулига куйгани...

Балки ўша куни жамоамиз мухлислари кам бўлганидан ютқизгандир?! Балки ўйин ўзлари ўрганиб қолган ''Пахтакор'' стадионидан ўзга жойда бўлгани учун ютқизгандир?! Балки ҳақиқатан ҳам ''Ал-Иттиҳод''дан тажрибаси, маҳорати камлигидан ютқизгандир?! Бироқ нима бўлганда ҳам команда мухлислар билан тирик. Унинг ютуғию, мағлубияти алами ва қувончини ҳам мухлислар кўтаради. Ҳақиқий мухлис севимли жамоаси ўйинига мураббийлардан-да кўпроқ қайғуради.

Ўша куни кўпчилик мухлислар сафардаги мағлубиятдан сўнг стадионга далда бериш учун келган эдилар, олқишлаш учун келган эдилар. Афсуски...

Абдураҳмон ТАШАНОВ,
"Ҳуррият" мухбири

P.S. Балки газетамизнинг кейинги сонларида ўйин ҳақида батафсил ёзармиз. Негаки, "Спорт", "Ўзбекистон футболи" мухбирлари стадионга киришнинг бирон йўлини қилган бўлсалар керак.

ЙЎҒ-Э!

Порахўр — уятчан қароқчи

ЭЗГУЛИК АБАДИЙДИР

Муносабат

Жиноятчи кучлар бир неча маъмурий бинолар ёнидаги портлатишлар орқали халқимиз кўнглига ғулғула солмоқчи, танлаган йўлимизга шубҳа уйғотмоқчи бўлдилар. Бундай жирканч уриниш ҳаммамизнинг қалбимизда кучли нафрат ҳиссини уйғотди.

Юртимизда фаровонлик, тўкинлик, ўзаро ҳамжиҳатлик, айниқса, тинч-тотув ҳаёт тарзимиз айрим ҳасадгўй кимсаларга ёқмаётган кўринади. Эзгулик ва яхшиликни кўролмайдиганларнинг мақсадлари ҳаммага маълум. Улар ҳамиша тинчлик ва тараққиётга тўғаноқ бўлишга интилади. Аммо биз жасур Президентимизга, ўз йўлбошчисига содиқ бўлган халқимизга, навқирон ёшларимизга ишонамиз.

Бугун биз танлаган йўлимизда ҳар қачонгидан ҳам собитмиз. Президент бизни бошлаётган тўғри йўлдан бир қадам ҳам чекинмай тинчлик ва тараққиёт душманларига ўзимизнинг баракали ижодимиз, самарали меҳнат фаолиятимиз билан жавоб бераверамиз. Ўз орзу-умидлари йўлида собит турган миллатимиз осойишталигига тажовуз қилаётган ёвуз кимсалар бизни эзгу йўлимиздан қайтара олмайди. Зотан, фитнаю хиёнатнинг умри қисқа, эзгулик эса абадийдир.

Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театри жамоаси номидан:
Фароғат РАҲМАТОВА,
Маҳмуджон ҒАФУРОВ,
Наима ПЎЛАТОВА,
Суръат ПЎЛАТОВ,
Абдушукур ШОМУРОТОВ

* * *

16 февраль кунги разил воқеа ҳақидаги хабар тарқаган заҳоти онам Шаҳрисабздан қўнғироқ қилдилар.

-- Соғмисан, болам? - деб сўрадилар хавотирли товушда ва жавоб қайтариб улгурмасимдан яна сўрадилар:

-- Президент соғмилар, ишқилиб?! У кишига зиён етмадими?!

Алижон АНДАҚУЛОВ,
Миллий матбуот маркази ходими

* * *

Саккиз йилдирки, иш столимга ўтираётиб Президентнинг суратига қараб қўяман, ҳар сафар қараганимда у киши табассум қилиб, ''Ёзавер, мен борман!'', дегандек бўладилар, мен ҳам, ''Сизга ишонганимдан ёзаяпман !'', деб қўлимга қалам оламан...

Камолиддин МИНГБОЕВ,
"Сариосиё ҳақиқати" газетаси

МОДДИЙ МАНФААТ

Ахир бусиз деҳқондан меҳнат талаб қилиб бўладими?

Таҳлил

Навбаҳор тумани Навоий вилоятининг шимолида жойлашган бўлиб, шарқдан-ғарбга томон чўзилган катта ҳудудни ташкил қилади. Туманнинг 20 минг гектарга яқин суғориладиган майдони бор. Лекин тупроқ таркиби бутун ҳудудда бир хил эмас. Биргина Учтут жамоа хўжалигидаги экин майдонлари ҳосилдорлик даражасига кўра уч қисмга бўлиниши мумкин. Жумладан, Саримсултон ҳудуди Зарафшон дарёсига яқин жойлашгани ва тупроқ таркиби кучли шўрлангани боис, серёғин йилларда ҳосилдорлик пасайиб кетади. Тоғолди экин майдонлари оғир қўл меҳнатини талаб қилади ва табиий офатлардан энг кўп зарар кўради. Мана шундай шароитда қатъий режалаштириб қўйилган ҳосилдорликка эришишни бир тасаввур қилиб кўринг.

машёси етиштирилди. Ҳосилдорлик - 27 центнер. 8368 гектарда ғалла ўстирилди. Жами 29 минг тонна дон етиштирилди. Шунинг 17 минг тоннаси давлатга сотилди.

Ушбу рақамлар замирида нечоғли катта меҳнат, бемисл фидойилик ётганлигини изоҳлаб ўтириш шарт бўлмаса керак. Аммо тармоқдаги кўрилаётган моддий манфаат қай даражада? Нега деҳқоннинг косаси оқармайди, иқтисодий натижалар уни қувонтирмайди? Дўппини ерга қўйиб, обдон мулоҳаза қилиб кўрилса, бунинг бир талай объектив ва субъектив сабаблари борлиги ойдинлашади. Эътибор беринг, туманда қишлоқ хўжалиги соҳаси 1996 йили 50 миллион сўм, 1997 йили 11 миллион сўм зарар билан якунланди. Хўш, 1998 йил сабоғи қандай бўларкин?

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, туманда экин, хусусан, пахта экиладиган далалар мутлақо яроқсиз ерлар ҳисобдан чиқарилмагани ҳолда пахта етиштириш режаси белгиланган. Биласизми, мўътадил шароитда мўлжалланган ҳосилни олса бўлади. Ер кам бўлсачи... Ўтган йил якунларига ўртача ҳосилдорлик 27 центнерни ташкил этмоқда, дедик. Бу туман ерларининг табиий ҳосилдорлиги эмас, балки юқори харажатлар эвазига, тегишлисидан ортиқча қилинган меҳнат эвазига олинган натижадир. Мутахассисларнинг фикрича, тумандаги экин майдонларининг унумдорлик даражаси 24 центнердан ошмайди. Биз эса ердан зўр бериб талаб қиламиз. Хўжалик юритишнинг бу усули энди деҳқонга тўғри келмайди.

Раҳбарлар билан суҳбатлашсангиз, муаммолар тўлқинидан бошингиз айланади. Уларни ҳал этиш учун назарда тутилган тадбирлар, таклифлар, фикр-мулоҳазалар тезроқ ҳаётийлик касб этишини дил-дилдан истайсиз. Лекин ҳолва деган билан оғиз чучимайди-да. Туман деҳқончилигининг ўзига хос хусусиятлари, ҳосилдорлик даражаси, фойдаланишга яроқсиз ерларнинг миқдори ўрганиб чиқилиб, тегишли хулосаларга келинган. Афсуски, уларнинг ижроси тўла таъминланмаяпти. Деҳқончилик хўжаликлари иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлса, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун имкониятлар кўпайган бўларди. Туман қишлоқларини газлаштириш аллақачон бошланган. Аммо бу кўрсаткич 47 фоиздан ошгани йўқ. Ҳали аксарият қишлоқлар тоза ичимлик суви билан таъминланмаган. Саноат шахобчаларини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасида ҳам кўпгина режалар белгиланган. Одамларда иштиёқ, интилиш кучли. Бироқ, ҳамма гап яна иқтисодга келиб тақалади.

Туманнинг бошқа хўжаликларида ҳам шароит бундан яхши эмас. 1998 йилда пахта экилган умумий майдоннинг 860 гектари кутилган самарани бермади. Мутахасисларнинг хулосасига кўра, тумандаги экин далаларининг 2 минг гектари айнан пахта экишга яроқсиз.

Пахта ва ғалла туман иқтисодиётида етакчи ўрин тутади. Уларга давлат буюртмаси мавжуд. Лекин ҳар бир жамоа хўжалигида чорва ҳам бор. Қолаверса, сабзавотчилик, пиллачилик, полизчилик, ҳатто шоликорлик туман деҳқонларига бегона эмас. Бу тармоқлар бўйича кўрсаткичлар ҳар хил. Техника етишмаслиги, мавжудларнинг эскирганлиги, уруғчиликка етарли аҳамият берилмаслиги, деҳқонга боғлиқ бўлмаган яна бошқа сабабларга кўра агротехник тадбирларда узилишлар бўлиши хўжаликлар иқтисодига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Боз устига йиллар давомида ерларнинг мелиоратив ҳолати бузилган. Шунга қарамасдан алмашлаб экишга деярли эътибор берилмай келинган.

Юқоридаги гаплар фақат жамоа хўжаликларигагина эмас, кейинги йилларда пайдо бўлган бошқа мулк шакллари -- деҳқон, фермер, ижара ва ширкат жамоалари фаолиятига ҳам тааллуқлидир. Ернинг табиий ҳолатларини тиклаш ўз-ўзидан бўладиган иш эмас. Қишлоқ мулкдорлари ҳам айнан шу фикрда. Чунки тупроқ унумдорлигини ошириш учун катта харажат сарфлашга тўғри келаётир. Кейинги 4-5 йил мобайнида туманда жиддий силжишлар кўзга ташланмаяпти. 1998 йилда 10580 гектар майдонга чигит экилиб, 28673 тонна пахта хожуда чарчаган. Ердан фойдаланишнинг табиий қонун-қоидаларига риоя қилинмаяпти. Бизнингча, ҳар бир экин тупроқ шароитидан келиб чиқиб экилгани маъқул. Яъни экинларни жойлаштириш масаласини деҳқоннинг ўзи ҳал этса, мақсадга мувофиқ бўларди. Ана шундагина пировард натижа юқори бўлиши мумкин. Иккинчидан, уруғ танлашга эътиборни ошириш, хўжаликларга том маънода иқтисодий эркинлик бериш, етиштирилган маҳсулот учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишни унутмаслик лозим.

1998 йилнинг бошида Ғулом Облоқулов туман ҳокими этиб тайинланди. Янги раҳбар олдида мураккаб вазифалар турарди. Албатта ўтган қисқа вақт ичида уларни тўла-тўкис ҳал этиб бўлмаслиги аниқ. Энг муҳими , туман ҳокимлиги муаммолар ечимини топишга, эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлашга астойдил ҳаракат қилаяпти, тажрибаларни дадиллик билан қўллаяпти. Аммо деҳқонни бугунги натижалар асло қаноатлантирмайди. Нега?

- Туманимиз шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун қаттиқ меҳнат қилиш лозим, - дейди ҳоким. - Аввало, еримиз таркиби бошқа ҳудудлардагидан кескин фарқ қилади. Тупроқ кучли шўрланган, қаттиқ. Бу эса деҳқончилик ишларига алоҳида эътибор билан ёндашишни тақозо қилади. Дейлик, бу табиатнинг иши. Аммо мени бошқа нарса кўпроқ ўйлантиради. Қишлоқ хўжалигида қандай қилиб юқори иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин? Ерларнинг таркиби бузилган бўлса, режалаштирилган ҳосилни бера олмаса... Бунинг устига турли сабабларга кўра ўтган йили туманда 10 минг 580 гектар ўрнига 9 минг 357 гектар майдонга пахта экилган. Очиқроқ шарҳлайдиган бўлсак, оилаларга берилган 72 гектар томорқа, зах сувларни қочириш учун қазилган 110 гектардан иборат янги дренажлар ҳудуди,

Туманнинг баҳаво, жаннатмакон жойлари кўп. Айниқса, кейинги йилларда боғ-чорбоғлар яратишга катта аҳамият берилаяпти. Томорқаларда барпо этилган теракзорлар, йўл ёқаларини безаб турган мевали дарахтлар ғўзалликдан, қут-баракадан нишона. Ўтган йилнинг ўзида 1 миллион 300 минг туп терак қаламчаси ўтқазилди. Зотан, навоийликлар ерга меҳр қўйган, ерни севадиган халқ. Айни чоғдаги изланиш ва саъй-ҳаракатлар қанча ижобат топса, туманда шунча кўп ижобий ўзгаришларга эришилади, деган умиддамиз.

Туман билан, унинг меҳнаткаш халқи билан яқиндан танишарканмиз, бу умидимиз амалга ошмоғи мумкин, деган хулосага келдик.

Ҳамдам ОЧИЛОВ,
журналист

МАҚОЛАДАН МАМНУНМИЗ

Жавоб

Халқ таълими вазирлиги Республика Таълим маркази мутахассислари ''Ҳуррият'' газетасининг 1999 йил 27 январь сонида Улуғбек Долимовнинг ''Бузуқ фикрли қўлланма нимага ўргатади?'' мақоласини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

''Ўқитувчи'' нашриёти томонидан 1996 йилда чоп этилган ''Педагогика тарихи''(К.Ҳошимов, С.Нишонова, М.Иномова, Р.Ҳасанов) қўлланмаси 1991-93 йилларда ёзилган. Қўлёзма барча муҳокама босқичларидан ўтиб, 1994 йилда нашриётга жўнатилган.

Мазкур ўқув қўлланмаси Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларида коммунистик мафкурадан халос бўлган янги ўқув адабиётларига жуда катта эҳтиёж сезилаётган бир даврда шошилинч тарзда ёзилган бўлганлиги сабабли педагогик жараёнлар баёнида, мақолада тўғри танқид қилинганидек, бир қатор хато талқинлар ўз ифодасини топган.

Айни пайтда, мақолада танқид қилинган китоб педагогика тарихи бўйича ёзилган ягона қўлланма эмас. Муаллифлар гуруҳи томонидан яратилиб, профессор А.Зунунов таҳрири остида чоп этилган ''Педагогика тарихи'' (''Ўқитувчи'',1996) қўлланмаси, Ж.Ҳасанбоев, О.Ҳасанбоева, Х.Ҳамидовлар томонидан тайёрланган ва 1997 йилда ''Ўқитувчи'' нашриётида чоп этилган ''Педагогика тарихи'' қўлланмалари амалдадир.

Ҳозирги кунда мутахассислар томонидан ''Педагогика тарихи'' бўйича янги дарслик ёзиш устида жиддий иш олиб борилмоқда. Дарсликни яратиш жараёнида муаллифлар мақолада кўтарилган танқидий қарашларни жиддий ўрганиб, тегишли хулоса чиқарадилар ва инобатга оладилар.

Қўлланмани синчиклаб ўрганиб, фойдали маслаҳатларини бериб, фикр билдирганликлари учун Республика Таълим маркази Улуғбек Долимовга ва газета таҳририятига ўз миннатдорлигини билдиради.

Г.АЛИМОВА,
Республика Таълим маркази директори

БЕҒАРАЗ ТАНҚИД ФОЙДАЛИ

ёхуд танқидга раддия

Муносабат

Миллий истиқлол шарофати билан бошқа фанлар қаторида педагогика фани соҳасида ҳам ижобий ўзгаришлар рўй берди. Миллий қадриятлар, урф-одатлар, тарбия анъаналари қайта тикланди, таълим-тарбия ишлари ўзига хос миллий, маънавий-маърифий қоидалар асосида қурила бошлади.

Бундан кўриниб турибдики, Ўзбекистон олий ўқув юртлари талабалари, педагогика билим юртлари ўқувчилари учун ''Педагогика тарихи'' дарслигини яратиш ва уларга тақдим этиш олимлар олдида долзарб вазифа бўлиб турарди. Педагоголимлар бу муҳим ишни амалга оширишга киришдиларки, бирин-кетин ''Педагогика тарихи'' бўйича учта муқобил ўқув қўлланма ёзилди. ''Ўқитувчи'' нашриёти қоғоз қийинчиликларига қарамай ўша учала қўлланмани навбат билан чоп этиб, хайрли иш қилди. Бундан мақсад - уларни кенг олимлар жамоатчилиги ва талабалар ҳукмига ҳавола этиб, энг яхшисини дарслик сифатида қайта ишлаган ҳолда нашр қилишдан иборат эди. Зеро, фикрлар ранг-баранглиги асосида мукаммал асар вужудга келади.

Яқинда Улуғбек Долимовнинг ''Ҳуррият'' газетасида (1999 йил, 27 январь) ''Бузуқ фикрли қўлланма нимага ўргатади?'' номли мақоласи эълон қилинди. Мақолада ''Педагогика тарихи'' (''Ўқитувчи'' нашриёти, 1996 йил) ўқув қўлланмасига ''Бузуқ фикрли қўлланма'' сифатида баҳо берилади. Мақола муаллифи таъкидлаганидек, олий педагогика ўқув юртлари учун дарслик сифатида ўқитиб келинган Н.А.Константинов, Е.Н.Мединский, М.Ф.Шабаевларнинг ''Педагогика тарихи''да ''ақалли бирор ўзбек мутафаккири ҳақида дурустроқ маълумот берилмай'', миллий педагогика тарихига оид эса бирорта қўлланма яратилмаган эди. Мустақилликнинг дастлабки кунларида эски идеология, коммунистик мафкура кутқусидан эндигина қутулишга ҳаракат қилинаётган бир шароитда бирданига миллий педагогикамизни яратиш осон бўлмади. Эзгу ният ва ҳаракатлар эвазига қарийб 90 фоизи миллий педагогикамиздан иборат қўлланма яратилди ва чоп этилди. Унда энг қадимги даврлардан бошлаб таълим-тарбиянинг яратилиши ва ривожланиб бориши, қомусий олимлар билан бир қаторда ҳар бири бир педагогик дарслик қимматига эга бўлган Юсуф Хос Ҳожиб, Муслиҳиддин Саъдий, Аҳмад Югнакий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқа алломаларнинг таълимий-ахлоқий асарларидан бошлаб, асримиз бошида яратилган Абдулла Авлонийнинг ''Туркий гулистон ёхуд ахлоқ''ида таълим-тарбия мазмуни, метод ва усуллари, баркамол шахс тарбияси ёритилган. Шунингдек, қўлланмада тарихдан узиб олиб ташлаш мумкин бўлмаганидек, 1917—90 йиллар таълим-тарбия тарихи ҳам ўрин олган. Унда собиқ совет ҳокимияти йилларида халқ маорифи, мактаблар мавҳум мафкура асосида қурилгани, ўлкада адолатсиз миллий сиёсат амалга оширилгани, мактабларда ўқув-тарбия ишлари мазмуни тузумнинг мақсади асосида ўзгаргани, бунга ўша собиқ ВКП(б) МК қарорлари туртки бўлгани баён этилган.

У.Долимов мақолада қўлланма муаллифларини XVI, XVII ва XVIII партия съездлари ҳамда ВКП (б) МКнинг таълим-тарбия бўйича қабул қилинган қарорларини келтиргани учун ''эскича фикрлаш''да айблайди. Лекин мақола муаллифи шунчалик ҳиссиётга берилиб кетганки, биринчидан, ''қўлланма''даги 272 саҳифадан иборат соф миллий педагогикамизнинг талқини ва мустақиллик эълон қилинган кундан бошлаб халқ маорифи, таълим-тарбия соҳасидаги ўзгаришлар баён этилган фикрлардан қатъий кўз юмиб, фақат уни қоралаш ва булғаш мақсадида икки-уч мавзудаги камчилик ва нуқсонларни узиб-юлиб олиб, ''Бузуқ фикрли қўлланма нимага ўргатади?'' деб хулоса чиқаришга ҳаракат қилади.

Қолаверса, ҳурматли муаллиф VII бобнинг бошланишига эътиборини қаратиши мумкин эди:

''Тўнтаришнинг дастлабки кунларидан бошлабоқ мамлакатда... халқ маорифини ривожлантириш ва ҳар бир миллатнинг ўз она тилида бирлашган меҳнат политехника мактабларини очиш ҳамда таълимни ижтимоий-фойдали меҳнат билан боғлаш, ўқитувчи ходимлар тайёрлаш, мактаб дарсликлари, ўқув қўлланмаларини яратиш борасидаги ишлар маориф тизимини ва таълим-тарбия жараёнини яхшилашга **гўё замин** ҳозирламоқчи бўлди...

Бу даврга келиб мактабларда ўқув-тарбия ишлари мазмуни тузумнинг **мақсади** асосида ўзгарди... Тарих дарсларида воқеалар бузиб талқин этилди...'' деган нуқтаи назарда 1924-1941 йиллар таълим-тарбиясига тавсиф берилади ва ''Аниқроғи, ёшларни ''коммунистик'' руҳда тарбиялаш асосий мезон сифатида белгилангани қайд этилади. Негадир мақола муаллифи ''Тарбиянинг моҳияти ўша давр талабидан келиб чиққан ҳолда мавҳум марксистик методология асосида тушунтирилди'' (330-бет), шунингдек, кейинги тўртинчи хат бошидаги ''Октябрь тўнтариши ўзбек халқининг тақдирида янги **оғир** даврнинг бошланиши бўлди'' (331- бет), боб бошидаги ''Собиқ Совет ҳокимияти йилларида коммунистик партия раҳбарлигида республикада адолатсиз миллий сиёсат амалга оширилди''; ''Тўнтаришнинг дастлабки кунларидан бошлабоқ мамлакатда бир томонлама маданий инқилобнинг амалга оширилишига алоҳида аҳамият берилди'' (326-бет) каби фикрлардан кўз юмиб ўтган. Бу далиллардан аён бўладики, мавзу муаллифи собиқ Компартия ва шўро тузумининг таълим-тарбия борасидаги сиёсатини оқламаган, ўша даврга нисбатан нуқтаи назарини билдирган.

Мустақиллик даврида тарихни бузмай-нетмай кўрсатиш тўғрисида кўп гапирилаяпти. Чунончи, ''Умуман, Марказий Осиёдаги маориф ва маданиятни, илғор педагогик фикрларни ҳамда миллий-ахлоқий тарбия мазмунини мактабларга бўлган эҳтиёж ва муносабатни фақат Октябрь тўнтариши ҳамда рус маданияти таъсири остида ривожланди десак, биз катта хатога йўл қўйган бўламиз... ҳар бир ўқувчи Туркистон ўлкасини Россия босиб олгандан кейинги барча соҳадаги тараққиётни ўша давр ва мустамлака таъсири асносида амалга оширилганлигини тўғри тушунишлари лозим'' (334-бет). Демак, У.Долимов айтмоқчи бўлган комфирқа ва шўролар ҳокимиятининг таълим-тарбия соҳасидаги ишларини муаллиф ёқлаяпти деган айбномаси ноўрин.

Лекин ''қўлланма''да баъзи ўринларда ўша даврда мактаб, маориф, таълим-тарбиядаги ижобий ҳолатлар ҳам санаб ўтилади, бу фикрлар У.Долимовга ўша давр ютуғини оқлаётгандек кўриниб, бутун бир мавзу юзасидан қўлланма ҳақида салбий хулоса чиқаришга олиб келади. Мақола муаллифи қўлланмадан мақоласига қўйилган сарлавҳани оқлаш учун айрим жумлаларни юлиб олиб, тенденциозлик (бир ёқламалик) каби эскирган усулни қўллаган. ''Беайб парвардигор'' деган нақл бор халқимизда. Бироқ, сиёсий кир излаб, кимнидир бадном қилиш ёки жувонмарг этиш каби қабиҳликдан узоқ юриш керак. Президентимиз И.А.Каримов Самарқанд ва Навоий вилоятлари халқ депутатлари сессияларида сўзлаган нутқларида танқид бировни йўқ қилиш, бадном этиш ёхуд ишдан четлатиш учун эмас, балки хато ва камчиликларни тузатиш мақсадида қилинади, деган маънодаги доно фикрни илгари сурдиларки, бунга амал қилиш фақат фойда келтиради.

Қўлланма ёзилган ва чоп этилган даврда муаллиф 3-4 йил кейин қўяётган бу ''сиёсий талаблар'' ҳозиргидек кескин ва кўндаланг қўйилмаган эди. Қўлланмада жадидчилик маърифати ва уларнинг қараши билан боғлиқ таълим -тарбия масалалари баён этилган. У.Долимов қўлланмадаги жадидчилар мактаблари ва ўқитиш тизими ҳақидаги фикрларни ўзича қораламоқчи бўлади. Бунга қўшилиб бўлмайди. Жадидлар ва Ниёзий ташкил этган мактаб тизими манбаларга асосланиб ёритилган. Шу ўринда бир нарсани эслатиш керакки, жадидларнинг йирик вакиллари бўлмиш Чўлпон, Фитрат, Қодирий, Авлоний ва шу кабилар бир-биридан кескин фарқ қилувчи ўз қарашларига эгадирларки, бу алоҳида тадқиқотни талаб қилади (Чўлпон, Фитрат асарларида бу ўз аксини топган). Ана шундай жадидчилик вакилларининг қайси маданиятга мойиллиги, улардаги фикрларнинг ўзаро тафовутлари ойдинлашади. Умуман, У. Долимовнинг қўлланмада баён этилган жадидчилик маърифати тўғрисида билдирган фикрлари баҳсли.

Табиийки, биринчи қилинган янги ишда ўзига хос қусур ва камчиликлар бўлиши мумкин. У. Долимов қўлланмадаги Исмоилбек Ғаспирали, А. Авлоний, И. Ибрат, А. Шакурий ва Мунавварқориларга бағишланган бўлимларнинг Б. Қосимов, У. Долимов, М. Фаттоевлардан сўзма-сўз кўчирилгани тўғрисида куйиниб гапиради.

А. Авлонийнинг педагогик қарашларини ёритишда шу қисм муаллифи Б. Қосимовнинг ''Абдулла Авлоний'' (''Ўқитувчи'', 1979) рисоласидан ижодий фойдаланган. Бироқ бу мавзу ''сўзма- сўз кўчирилган'' деган фикрга қўшилмаймиз. Тарихий фикрдалилларнинг, асарлар номларининг тўғри келиши мумкин. Яна шуни таъкидлаймизки, шу ўринда М. Раҳмонов, Ю. Тоҳирий, А. Авлоний асарларидан илмий педагогик таҳлил йўсинида тадқиқ этилган.

Бу фикр И. Ғаспирали ва Мунавварқориларга ҳам тегишли. Мардона тан олиш лозимки, Ибрат, Шакурий (Р. Ҳасанов тайёрлаган)га бағишланган бўлимлар муаллиф зикр қилган олимлар асарларидан ўзлаштирилган. Дарҳақиқат, 0,3 босма табоқ ҳажмидаги бу ўзлаштириш изоҳсиз берилгани бу ишга соя солиб турибди.

Такрор таъкидлашни истар эдикки, қўлланма яхши ният ва эзгу мақсадда ёзилган. Унда айрим камчиликлар мавжудлигини инкор этмоқчи эмасмиз. Бу ҳали илк тажриба. Уни дарслик сифатида ишлаш жараёнида ўша қусурлар бартараф этилади, муаллифлар ўз нуқтаи назарларини янада аниқ ва равшанроқ ифодалашга эътибор берилади, педагогик таҳлил кучайтирилади, дарсликка қўйиладиган педагогик-психологик ва илмий-методологик талаблар амалга оширилади.

Ҳурматли Президентимиз И.А.Каримов ''Туркистон'' газетаси мухбирининг саволларига жавобларида ''Адолат биз қураётган жамиятнинг мезони бўлмоғи даркор'', - деб тўғри таъкидлайдилар. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда мустақиллик шаклланаётган даврда камчиликлар бўлиб туради. Шундай шароитда танқид ҳам холис бўлса, беғараз бўлса, ишнинг яхшиланишига, ривожланишига ёрдам беради.

Муаллифлар:
К.ҲОШИМОВ,
С.НИШОНОВА,
М.ИНОМОВА,
Р.ҲАСАНОВ

ТАҲРИРИЯТДАН:

ТошДУ доценти У.Долимовнинг ''Бузуқ фикрли қўлланма нимага ўргатади?» номли мақоласи анча шов-шувга сабаб бўлди. (Қўлланма ҳақидаги илк мулоҳазаларини Тошкент давлат педогогика университети доценти Ш. Авазов ҳам йўллаган). Бу, газетамизнинг жамоатчилик орасида эътиборга тушаётганидан, матбуот сўзининг таъсири орта бораётганидан далолат беради, албатта. Шу ўринда бир нарсани қатъиян эслатиб қўйишга тўғри келади: ''Ҳуррият'' мутлақо енгил-елпи шовқин кўтариш тарафдори эмас! Танқидий мақола эълон қилиб, кимгадир сиёсий айб тақаш нияти ҳам йўқ! Танқидий мулоҳазага тоқат қилолмаганларгина йўқ жойдан ғалва кўтарадилар, оддий ва ҳатто фойдали баҳс-мунозарани муштлашувга айлантирадилар.

''Педагогика тарихи'' қўлланмасини яратган муаллифлар ўз соҳасида талайгина ''қўйлак йиртган'' тажрибали мутахассислар. Бундай салмоқли қўлланманинг яратилишида уларнинг тажрибаси, билими асқотгани табиий. Бироқ, У.Долимов қўлланмани жиддий ва принципиал танқид кўзи билан баҳолайди, китобда шўро даври сиёсатига дахлдор ҳужжатлар бугунги кун талабларига зид эканлигини ва ҳоказо нуқсонларни санаб ўтади. ''Беғараз танқид фойдали'' раддиясида эса муаллифлар ''Бузуқ фикрли қўлланма нимага ўргатади?'' мақоласида танқидга зўр берилгани ҳолда, ундаги ижобий жиҳатлар назардан четда қолдирилганини таъкидлайдилар. Аслида эзгу ниятлар билан яратилган асарда йўл қўйилган хатолар келгусида тузатилиши инобатга олинади.

Газетанинг ҳам, танқидий мақоланинг ҳам БОШ МАҚСАДИ шу!

Иш бор жойда нуқсонлар учраши табиий. Бундай нуқсонларни кимдир силлиққина, кимдир бўрттириброқ айтади. У.Долимовнинг мақоласида танқид ''қуюқроқ'' бўлса бўлгандир, (сарлавҳа маъноси андек бўрттириб юборилганини тан оламиз) қолаверса, бундай услуб ''Ҳуррият''нинг ''феъли''га ёт эмас.

Демоқчимизки, танқидимизнинг аччиқлик ''дозаси'' андек юқорилашиб кетишини инкор этмаймиз, аммо-лекин ниятимиз ҳамиша холис, беғараз эканига ҳам ишонинглар!..

39-СОНИДАН ТОПИБ БЕРИНГ!

Қизиқ, газетанинг танқидий мақола чиққан сони негадир ўз-ўзидан ''йўқолиб'' қолибди

Мен туман газетасининг жамоатчи мухбириман. Тез-тез вилоятга -- ''Марказий Фарғона'' таҳририятига бориб, ''Ўзбекистон овози'', ''Ҳуррият'', ''Ўзбекистон адабиёти ва санъати'', ''Фарғона ҳақиқати'' каби газеталардаги мақолаларни ўқиб тураман.

Нима бўлди-ю, бир куни (3.11.1998 й.) туман газетасининг адабиёт бўлими мудири Жаҳонгир Холиқов:

-- Домла, ''Ҳуррият''да сизнинг мақолангиз чиқибди, -- деб қолди. Икки кун ўтиб, мақолани ўқигани муҳарририятга бордим. Лекин, у ерда ҳамма газеталар бор экан-у, ''Ҳуррият''нинг тахлами йўқ экан. Ҳафсалам пир бўлиб котибадан сўрасам, ''Ҳуррият''ни муҳаррир олган'' деди. Яна 5-6 кун ўтказиб кирсам ҳам, минг афсуски, ''Ҳуррият'' яна йўқ.

Орадан яна бир ҳафталар ўтгандан сўнггина «Ҳуррият» тахлами қўлимга тегиб, унинг охирги 40-, 41-сонларини ўқиб чиқдим. Лекин мақоламни топа олмадим. Кейин билсам, менинг мухбир сифатида бошимдан кечирган зуғум ва таъқибларим тўғрисидаги мақола чоп этилган ўша 39-сонини бош муҳаррир (Умаржон Исмоилов) олган экан.

Хуллас, газетанинг шу сони қўлимга тегмади-да!

Менимча, бунинг бошқа сабаби бор эди. Негаки, ''Ҳуррият''нинг сентябрь ойидаги сонида кўп нашр журналистлари газетани ўзиники қилиб олгани ҳақида, ''Ўзбекистон адабиёти ва санъати''нинг 23 октябрь сонида чоп этилган ''Ёзёвонча антиқа усул'' номли яна бир танқидий чиқишим айрим кишиларнинг жиғига теккан экан, чоғимда.

Менинг 4 йил аввал муҳаррирга ''Чайқовчи чайқаб, текинхўр алқаб, гадой сўраб, бошлиқ ўраб, прокурор бураб олади'' каби мақолнамо қораламаларимни берсам, у: - Буни беролмаймиз, чунки туман прокурори янги келди, биздан хафа бўлади - деб айтди. Ўшанда анча айтишиб қолгандик.

Ҳадеб мақолаларим босилмай қолиб кетавергач, 3-4 йил ёзмай ҳам қўйдим, таҳририятга ҳам қадам босмай қўйгандим, бўлмади. Ҳозир ҳам уч ойдан ошдики, берган шеърларим, мақолаларим босилмай чанг босиб ётибди.

Декабрь ёки январь ойида бўлса керак, муҳаррирнинг туман ҳокимининг янги йилдаги режалари ҳақида мақоласи берилди. Янги ҳокимнинг мақсадлари менга ёқди. Шу сабабли ''Оқ йўл'' сарлавҳали шеърий бир нарса ёзиб, шу газетанинг мухбири Азим Худойқулов гувоҳлигида муҳаррирга бердим. У ўқиб, яна аввалгидай: ''Буни беролмаймиз,''-- деб айтди. Ҳайронман, наҳотки, бу муҳаррирга мақтов ҳам, танқидий мақола ҳам ёқмаса-я?!

Дарвоқе, ҳалигача ''Ҳуррият''нинг ўтган йилги 39-сонини ўқий олганим йўқ...

Нурмуҳаммад ҲАЙДАРОВ

ТАҲРИРИЯТДАН:
Қадрли Н.Ҳайдаров!
Мақтов ва танқидий мақолангиз муҳаррирдан нарига ўтмаганига ўкинманг. Журналистика соҳасида нималар бўлмайди дейсиз. Газетамизни мунтазам ўқиш истагини қондиришнинг энг осон ва синалган чораси битта - обуна бўлсангиз ҳар ҳафта ''Ҳуррият'' хонадонингизга кириб бораверади. Омон бўлинг!

ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ҚИЛАЯПМИЗ

Дилбар АҲМАДЖОНОВА. ''Мардикор аёллар''. ''Ҳуррият'', 1998 йил 23 декабрь

Жавоб

Самарқанд вилояти Тайлоқ тумани ҳокимияти мақолани атрофлича ўрганиб чиқди.

Туманда аҳоли энг зич жойлашган ҳудудлардан бири Давлатобод жамоа хўжалиги бўлиб, унда 19756 киши истиқомат қилади, 9460 киши меҳнатга лаёқатли. Экиладиган ер майдони 888 гектар, демак ҳар бир меҳнатга лаёқатли кишига 9 сотихдан ер тўғри келади. Шу сабабли кўпчилик Самарқанд шаҳридаги ''Кинап'', ''Красный двигатель'' заводларида, ''Ҳужум'' пиллакашлик фабрикасида, шойи тўқиш фабрикаларида, Ургут шаҳридаги тамаки заводида, тикувчилик фабрикасида ва бошқа корхоналарда ишлаб келишган. Ҳозирги кунда ушбу корхоналарда иш жойларининг қисқартирилиши оқибатида аҳолининг бир қисми ишсиз қолган.

Ишсизлар аҳволини ўрганиш ва уларни доимий иш билан таъминлаш мақсадида Тайлоқ тумани ҳокимиятининг 1 декабрь 1998 йил фармойишига биноан туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж. Ашуров раислигида етти гуруҳдан иборат ишчи ҳайъати тузилиб, туман ҳокимияти Меҳнат ва бандлик ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими билан ҳамкорликда тумандаги ''Давлатобод'' ва ''Соҳибкор'' жамоа хўжаликлари ҳудудларидаги ишсиз фуқаролар, норасмий ёлланма меҳнат билан шуғулланувчи кишилар ўрганилиб, жами 81 нафар аёллар рўйхатга олинди ҳамда уларнинг ҳар қайсиси билан яккама-якка суҳбатлар ўтказилиб, ижтимоий аҳволи, мардикорчиликка чиқиш сабаблари, талаб-истаклари ўрганилиб чиқилди.

Ўрганиш жараёнида 67 нафар аёл доимий ишга жойлашишга истак билдирдилар. Шулардан 19 нафарининг 16 ёшгача бўлган болаларига нафақа тайинланди, 25 нафари кам таъминланганликлари учун моддий ёрдам олишга тавсия этилди, яна 25 нафари табиий газдан фойдаланганликлари учун 160000 сўм қарз тўловидан озод қилинди, 21 нафар аёл эса электроэнергиядан фойдаланганлиги учун 94050 сўм қарз тўловидан озод қилинди.

Туман ҳудудидаги 44 та корхона, ташкилот ва муассасаларда хотин-қизлар учун 101 ўрин, эркаклар учун 120 та ишчи ўринлари ҳамда Давлатобод жамоа хўжалиги ҳудудида фаолият кўрсатаётган «Меҳнат» фабрикасининг ''Шоҳсанам'' филиали қуввати оширилиб, икки сменада 150-160 хотин-қиз ишлаш имконияти яратилди. Бундан ташқари шу бинога шахсан вилоят ҳокими ташаббуслари билан қисқа муддатда, яъни 20 кун ичида ''Бофанда'' фабрикасининг 41 дона тикув дастгоҳлари олиб келиб ўрнатилиб, яна қўшимча 60-80 хотин-қизларнинг ишлаш имкониятлари яратилди.

Яратилган иш ўринларига рўйхатдаги аёлларга йўлланмалар берилиб ишга жойлаштирилди. 30 дан зиёд аёлларга ишга жойлашиб, ойлик маош олгунга қадар истеъмол қилишлари учун моддий ёрдам тариқасида ун, ёғ, гуруч, макарон, картошка, сабзи ва пиёз маҳсулотлари берилди.

Туман ҳокимлиги яна ишга муҳтож фуқароларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоялаш, кам таъминланган оилаларга моддий мадад бериш мақсадида белгиланган тадбирлар асосида иш олиб бормоқдалар.

А.ИСКАНДАРОВ,
туман ҳокими

ПАСПОРТИМНИ ҚАЧОН ЯНГИЛАЙМАН?

Жумбоқ

Паспортимни янгилаш учун туман ИИБнинг тегишли бўлимига бориб, ҳафсалам пир бўлди. Негаки, у ерда эски паспортда баъзи исм-фамилиялардаги граматик хатолар тузатилмай, қандоқ бўлса шундайлигича ёзилаётганидан қаттиқ ранжидим. Масалан, Аъзам ўрнига Агзам, Хўжаев ўрнига Ходжаев, Ғолиб ўрнига Голиб, Отаев ўрнига Атаев...

Менинг ҳам исмим эски паспортда ''Саидмурод'' эмас, ''Сайдмурат'' шаклида ёзилганди. Шу важ бўйича масъул шахсга мурожаат қилгандим:

— Менинг эски паспортимда биргина исмимнинг ўзида тўртта хатоликка йўл қўйилган. Янги паспортимда ҳеч бўлмаса исмимнинг тўғри ёзилишини хоҳлайман...

Масъул шахс ўша хатоларни тўғрилаб келиш учун мени ЗАГС бўлимига боришим лозимлигини айтди. Унга исмимни ўзгартираётганим йўқ, бор-йўғи исмимнинг ёзилишидаги хатони тузатиш лозимлигини қайта-қайта уқтиришларим бесамар кетди...

Бир ҳафта сарсон бўлиб ЗАГС мудираси қабулига кирдим. Фикримни эшитгач, мудира ҳам шаҳар архивига бориб, лозим бўлган қоғозни олиб келишимни айтди. Шаҳар архиви эса ҳозир мен яшаб турган Собир Раҳимов тумани илгариги Октябрь райониндан ажралиб чиққани... ҳақида уларга маълумот кераклигини айтди...

Мана сизга қоғозбозлик!

Қаранг-а, эски замон асоратларидан қутиламиз дея, бонг урамиз-у, айнан ўша даврдан ''мерос'' иллатни тўғрилаш учун эса ''эски замон услубидан'' воз кечолмаяпмиз. Бу нима деган гап ахир!

Ахир мен осмон ёки ер сўраётганим йўқ, бор-йўғи исмимнинг тўғри ёзилишини истайман, холос...

Саидмурод САИДАҲМАД

ҚЎҚОНГА КЎПРОҚ ГАЗЕТА ЖЎНАТИНГ!

Мактуб

Ҳурматли ''Ҳуррият'' газетаси ходимлари!

Ҳозиргина газетанинг 6-сонини ўқиб чиқдиму, хат ёзишга ўтирдим. Қўлимга қалам олишимга сабаб газетадаги ''Суд қонунга таянсин, фуқаро эса судга'' сарлавҳали муносабат-мақола бўлди.

Баъзи судьяларнинг оддий фуқарога нисбатан қилган пўписаси ёки қўрқитишини яширишни ҳожати йўқ. Чунки бу нарса бизнинг жамиятимизда одатий ҳолга айланаётгандек... Аммо газета таҳририятига пўписа билан жавоб берилишини биз ҳазм қилолмадик. Ахир қонунларимизда баён этилганку, суднинг қонуний ҳукми кучга киргач, қизиқувчи томон у ҳақда билгиси келади. Қаранг, биз, оддий фуқаролар чиқарилган ҳукмларни миқ этмай қабул қилсаг-у, мингтадан биттаси тўғрисида фикр юритмоқчи бўлсак, дарҳол ''Суд ишига ОАВлари аралашмоқда'' қабилида мулоҳаза юритишлари тўғрими?

Муҳтарам Президентимиз одамлар судни фақат жазоловчи орган сифатида эмас, ўз ҳақ-ҳуқуқлари тикланадиган даргоҳ сифатида тасаввур этишлари лозим, деган эдилар. Юртбошимизнинг бу доно фикри амалда ўз исботини топиши учун нафақат оддий фуқаролар, балки судьялар ҳали кўп ''тер тўкишлари'' керакка ўхшайди.

Редакция ходимларидан илтимос, менинг ушбу хатимнинг маъноси ва моҳиятини сақлаган ҳолда босиб чиқарсангизлар. Таҳрир этсангизлар ҳам майли. Чунки Сизлар тер тўкиб чиқараётган ''Ҳуррият'' бизники ҳамдир.

Яна бир илтимос. ''Ҳуррият''дан Қўқон шаҳрига кўпроқ юборсанглар. Ҳозирча шундай катта шаҳарга фақат 10 дона келмоқда. Шаҳар автовокзалидаги киоскада 2 киши газета талашиб уришганига тирик гувоҳман. Суриштирсам ушбу киоскага фақат 2 дона ''Ҳуррият'' келар экан, бошқа ҳомийси кўп газеталар эса сотувда кўп. Аммо харидори оз. Сизларники эса... туф-туф, кўз тегмасин!..

Акмал САЛИБОЕВ
Қўқон шаҳри

Илҳом парилари...

Таҳлил

С Л О Б О Д А Н МИЛОШЕВИЧ НАТОни ДУЭЛГА ЧАҚИРМОҚДА

Иброҳим Ругово эса Белград харобалари устида албанча рақс тушишни хоҳлайди

Европанинг чинакам тинчлик, осойишталик марказига айлантириш, тўғрироғи бу минтақанинг кўпдан буён тузалмас дардига айланган Югославияда хунрезликларга барҳам бериб, осойишталикни қарор топтиришга бўлган барча орзу- умидлар, ҳаракатлар беҳудага кетмоқда.

Серблар ва албанлар ўртасидаги адоват Югославия ҳудудидан чиқиб бутун Европа миқёсида хавотирли зиддиятга айланди. Вақт ўтган сайин бу адоват янада фасодлашиб, глобаллашиб бормоқда. Мазкур зиддиятнинг чуқурлашуви эса бу жараёнга Европа ҳамжамияти, БМТ, НАТО сингари халқаро ташкилотларнинг аралашуви заруриятини тобора кучайтирмоқда. Бу аралашувлар кўпинча маслаҳат, таклиф ва ҳаттоки реал ҳарбий таҳдид кўринишида амалга оширилаётган бўлса ҳам Косоводаги воқеалар ривожи янада ваҳимали, янада хавотирли бўлиб бораётир.

Рамбуедаги ''Югославия Республикалари Иттифоқи'' деб аталаётган ўзига хос ''Иттифоқ''нинг Президенти Слободан Милошевич ва Косоводаги ўз мустақиллигини қўлга киритишни истаётган бўлувчи албан кучлари раҳбарлари ўртасидаги музокаралар ҳам Югославиядаги тинчлик борасида давомий, умидбахш натижаларни келтирмаяпти.

Мулоқот гуруҳи таклиф этаётган тинчлик ва сулҳ йўллари Милошевичнинг ''Славян давлатчилиги'' борасидаги тамойилларига, манфаатларига сираям мос келмаётир.

Мулоқот гуруҳининг таклифига кўра, уч йил давомида Косовонинг Югославия таркибидаги мухторият мақоми тикланган ҳолда серблар ва албанлар ўртасидаги муносабатлар тартибга солинади, муаммоли масалалар ўзаро келишилиб, бамаслаҳат ҳал этилади. Шу муддат тугагандан сўнг Косовонинг мухторият мақоми ёки унинг Югославия Иттифоқи билан бошқа шаклдаги муносабатларнинг келгуси тақдири халқаро ҳамжамият иштирокида белгиланади.

Тўғрисини айтганда, мулоқот гуруҳи таклиф этаётган Косово муаммосининг ечими Югославияда тинчлик ўрнатиши учун ҳар икки томон манфаатларига деярли мосдир. Бироқ С.Милошевич Косовога мухторият ҳуқуқини беришни бу Югославиянинг ҳудудий яхлитлигига таҳдид сифатида қабул қилмоқда. С.Милошевичнинг фикрига кўра, Косово Югославиянинг бўлинмас, яхлит қисмидир. У Югославияники бўлган ва шундай бўлиб қолиши керак. Албанларнинг озодлик учун курашлари гўёки Югославияга қарши қаратилган қўпорувчилик ҳаракатидир. Мазкур ҳаракатни ҳар қандай йўл билан бостиришга, бартараф этишга Белград ҳақли, Косово масаласига четдан туриб аралашув эса Югославиянинг ички ишларига асоссиз аралашишдир.

Косовонинг уч йиллик оралиқ вақт давомидаги мақоми, ундан сўнг унинг Югославия таркибида мухторият кўринишда сақланиб қолиши ёки алоҳида республика сифатида ажралиб чиқиши ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни эшитган Милошевичнинг теппа сочи тикка бўлаяпти.

Ўз ўрнида албанлар ҳам ўзларига нисбатан бўлган бу муносабатлардан нафақат норози, балки уларни ўзларига маъқул йўналишга ўзгартириш учун сўнгги дамгача курашишга тайёр. Улар бунинг исботи сифатида Белграднинг шафқатсиз ҳарбий амалиётларига, қатағонларига қарамай жонжаҳдлари билан партизанлик уруши олиб бормоқда.

Югославияда содир этилаётган зўравонликлар ва ўзаро адоват фақатгина зўравонлик ва ниҳояси кўринмаётган қурбонлар келтирмоқда.

Айни дамда Рамбуедаги қайсарлиги, бўйсунмаслиги учун НАТО Белградни жазоламоқчи. Албатта НАТО бу қарорга келиши учун узоқ вақт Милошевич ва Иброҳим Руговонинг инсофга келишини интиқлик билан кутди.

Дарвоқе, бу НАТОнинг Белградда нисбатан биринчи ҳарбий таҳдиди эмас. НАТО илгари ҳам бир неча бор С.Милошевич маъмуриятини Косовода олиб бораётган хунрезликлари, тинч аҳолини қатағон қилаётгани учун жазоламоқчи бўлганди. Ҳатто НАТОнинг ҳарбий самолётлари мутлоқ жанговар ҳолатда серб ҳарбий кучларига зарба бериш учун ҳавога кўтарилганди. Милошевич ҳам агар НАТО унга қарши ҳарбий ҳужум уюштирса, муносиб жавоб беражагини таъкидлаб, НАТО бошлиқларини янаям қаттиқ ғазаблантирган, фақатгина сўнгги дамда НАТОнинг ҳазиллашмаётганини ''тушунган'' Белград НАТОнинг талабларини бажаришга рози эканлигини билдирганди.

Шунча дўқ-пўписаларга қарамай ҳозиргача серб ва албан бўлувчиларнинг бир-бирларига адоватли муносабатлари сираям ўзгарганича йўқ. Белград ҳар сафар НАТОнинг ҳарбий ҳужумлари бошланиши арафасида ''Хўп, ҳозироқ бажарамиз!'' қабилида иш тутиб, амалда деярли ўз билганидан қолмади.

Серб ҳарбий ва хавфсизлик кучлари Косово пойтахти Пришина ва тоғли ҳудудларда тинч албан аҳолисига нисбатан зўравонликларни давом эттирди. Ўн минглаб албанларни ўз уйларидан ҳайдаб чиқарди. С.Мелошевич гоҳ бу зўравонликларни дунё ҳамжамиятидан яшириш учун оммавий ахборот воситаларини қатағон қилишга тушди. Қисқача қилиб айтганда, Милошевич НАТОнинг дўқ-пўписаларига, ўзига хос зарбаларига усталик билан чап бериб, уни очиқдан-очиқ ''дуэлга чақириб келмоқда. Косоводаги албан бўлувчи кучлари - Косово Озодлик Армияси етакчиси Иброҳим Ругово эса С.Милошевичнинг аёвсиз жазоланишини мириқиб томоша қилиш ва НАТОнинг ҳарбий ҳужумларидан вайрон бўлган Белград харобалари устида Озодлик нашидасини суриб, албанча рақс тушишни хоҳлайди.

Уриш ва адоват ҳеч қачон бирор-бир кучга мутлоқ устунлик, барқарорлик ва фаровон ҳаёт ато қилмаган. Шу сингари урушга, бузишга, йўқ қилишга асосланган ҳар қандай орзу-умидлар, ғоялар ҳам фақатгина ҳалокат, кети кўринмайдиган беқарорлик ва пушаймонлик келтиради. Аммо бу оқибатлар барчага маълум бўлгани ҳолда бир-бирига адоватли томонларнинг мазкур қарашлар таъсирида хаёллари фалажланиб қолади. Худди шундай ҳол Югославияда ҳам содир бўлмоқда. Томонлар уларни қандай натижа келтиришидан қатъий назар ўз мақсадларини амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. Бу ҳаракатлар эса ўта жазавали ва душманона бўлганлиги учун кўплаб қурбонлар келтирмоқда...

Ҳар сафаргидек НАТО самолётлари Серб ҳарбий кучларига зарба беришга тайёр турибди. Мазкур ҳолатда агар Милошевич ва албанлар таклиф этилаётган тинчлик йўлини танлашмаса, ҳар иккиси ҳам Европа ҳамжамияти томонидан жиддий тарзда жазоланиши мумкин. Ана унда Югославиянинг яхлитлиги ва тинчлиги муаммосини ҳал этиш ҳам Белград ёки албанларнинг эмас, балки НАТОнинг қўлида қолади.

Зафар ОМОН,
сиёсий шарҳловчи

Таҳлика

ЖИНОЯТЧИ МУҲОЖИРЛАР

Улар Италия шаҳарларида маҳаллий мафиялар билан беллашишмоқда

Шавкат ОРТИҚОВ

Италия шаҳарларида муҳожирлар содир этаётган қотилликлар давосиз бош оғриққа айланмоқда

1999 йилнинг биринчи ойи Европанинг энг гўзал мамлакатларидан бўлмиш Италияда қўрқинчли туш каби таҳликали ўтди: тўққиз кунда ғайритабиий 9та қотиллик содир этилди.

Тўғри, олдин ҳам италияликлар турли даҳшатли ўлдир-ўлдирлар, ота-отларини кўриб, бошларидан ўтказиб келишди: 1960 йиллардаги банк қароқчилиги, 1970-йиллардаги сиёсий террор, Сицилия мафиясининг қутуришлари... Аммо ҳозирги содир бўлаётган мазкур қотилликларнинг ғайриоддийлиги уларнинг кўлами, қурбонлар сони ёки келтирган талофатларида эмас. Гап шундаки, 1990 йилдан бошлаб турли сабабларги кўра бу мамлакатга кириб келаётган турли хорижий фуқароларни (кўпинча Болқон мамлакатларидан) рўйхатга олина бошланди. Муҳожирлар кўпайиши билан шаҳарларда, хусусан, Миланда жинояткорона телбаликлар авж олди. Содир бўлган қотилликлар қурбонлари орасида дўкондорлардан тортиб, албан қорадори савдогарлари, хорват ўғрилари, Бразилия фоҳишаларигача бор.

Шаҳарнинг бу фожеалардан ғазабга тушган мэри Габриэл Албертини бу миқёсдаги қотилликлар ноқонуний йўл билан кириб келган муҳожирлар туфайли юз берганлигини айтмоқда. Унинг таъкидлашича, шаҳарга ҳар куни деярли 300 муҳожир келмоқда.

Ўтган йил давомида 277 муҳожир шаҳардан чиқариб юборилган. Шаҳарнинг жиноий муҳитида четдан келган улкан жиноий дивизиялар пайдо бўлди. Айниқса, қорадори савдоси учун келган ва маҳаллий mobstersларни бозорлардаги ўз ўрнини бўшатиб беришга мажбур қилган косоволик албан жиноятчилари полицияни жиддий ташвишлантирмоқда. Ёш косоволик жиноятчилар шаҳарда кўзни ўйнатувчи машиналарда кезишади...

Нигерияликлар эса ўз фаолиятларини халқа йўлларида олиб боришади, Шимолий африкалик ёшлар хиёбон ва истироҳат боғларида наркотик моддалар сотишмоқда, Шарқий европалик болалар кўчаларда тиламчилик қилишмоқда, Жанубий америкалик киссавурлар эса сайёҳлардан ўз ҳақларини ундиришмоқда. Уларнинг барчаси бу ерга қаердан келиб қолган дерсиз? Бир сўз билан айтганда уларни машаққатли ҳаёт бошлаб келган мазкур диёрга. Энди уларни ўз ватанларига қайтариш ҳам жуда мушкул.

Қўшни давлатларда сиёсий-иқтисодий инқироз юз бераётгани ҳолда бу ерда деярли ҳеч нарсанинг ўзгармай қолаётгани вазиятни янада чигаллаштирмоқда. Расмийларга кўра, Италияда ҳозирда 800,000 муҳожир бор (Европа Иттифоқидан келганлар билан бирга) , бундан ташқари 300,000 ноқонуний муҳожир борлиги ҳам тахмин қилинмоқда. 63,000 минг муҳожир улар томонидан содир этилган жиноятлар ҳали бу қадар кучаймаган 1997 йилдаёқ мамлакатда яшаб қолишга ҳеч қандай ҳуқуқи йўқлиги исботланган ва чиқариб юборилганди...

Кўпгина ноқонуний муҳожирлар ҳибсга олинганда полициячиларга ўзлари ҳақида нотўғри маълумот бериб, уларни чалғитишади. Ўзларининг ҳақиқий исм ва яшаш манзилларини беришмайди, полициячилар эса уларни қаерга жўнатишни билолмай сарсон бўлишади.

Шуниси қизиқки, содир этилаётган қотилликлар сиёсатчилар ва судлар орасида зиддиятга, баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Сиёсатчилар судлардан ўғирликка қарши жуда кескин чора кўрмасликни талаб этмоқда. Судлар эса сиёсатчиларнинг жиноятларга юмшоққўнгиллик, эътиборсизлик кўрсатаётгани ноқонуний муҳожирлар сонининг ўсишига бош сабаб эканлигига урғу беришди.

Оддий миланликлар ҳам кучайиб бораётган жиноятчиликдан тобора норози бўлишмоқда, баъзилари кўчаларга намошийга чиқишмоқда. Мавжуд вазиятдан ташвишга тушган айрим шаҳарликлар, хусусан, шаҳарнинг энг зўр дизайнчи-рассоми Никола Труссарди эса яқин орада енгсиз ва чўнтаксиз костюмларнинг шаҳарда мода бўлишини ва шу муносабат билан ўзининг бозордан жой олиш истаги йўқ эмаслигини пичинг қилмоқда. Кўпчилик эса унинг бу ''башорати'' рўёбга чиқишидан қаттиқ хавотирда.

Талотум

ОЛТИН ВАСВАСАСИ

Ҳиндларнинг миллий хусусиятига айланиб қолди

солиқлар қўшилгандан кейин бу борадаги фарқ 12 фоизни ташкил этади. Бу ҳол эса Дубайдаги олтин контрабандачиларида катта умид туғдираётир. Негаки, 1990 йилнинг бошида Ҳиндистонда олтин импортини эркинлаштириш бошлангандан бери уларнинг бозори касодга учраганди.

Уларнинг савдолари олтин савдоси назоратини бирмунча чекловчи қонунлар 1930 йилларнинг охирида жорий қилина бошлангандан сўнг гуллаб-яшнаганди. Ўша вақтда олтин Ҳиндистонга киритиладиган энг катта контрабанда товарига айланганди. Бундан ташқари валюта қора бозори бу савдони янада гуркиратди. Долларнинг қиймати пасайди. Чунки ҳиндлар долларни давлат курсининг 50 фоизидан кўпроғига қора бозордан олтин буюмлар эвазига сотиб олишарди. Олтин импортининг либераллаштирилиши унинг барчасига чек қўйди. Ҳиндистонга қайтаётган қочоқларнинг мамлакатга олтин олиб кириб келишларига рухсат берилди. 1997 йилнинг октябридан бошлаб баъзи ҳинд банклари ва агентликлари тўғридан-тўғри Европадан олтин олиб кела бошлашди.

Ўтган икки йил мобайнида 1,000 тоннадан ортиқ қонуний олтин Ҳиндистонга сотиб олиб келинган. Бу олтин контрабандачилари ва қора бозор савдогарларининг нонини яримта қилиб қўйди. Ҳиндлар олтинни халқаро нархларга яқин нархда сотиб олишди, қора бозордаги долларни олтин буюмлар эвазига сотиб олиш йўқола бошлади.

Мамлакатда улкан олтин заҳирасини вужудга келтирган олтин контрабандасининг фаолияти ўта махфийликда кечарди. Бошқа томондан қонуний олтин импорти расмий савдо кўрсаткичларида жуда катта бўшлиқни пайдо қилди.

Мазкур йил охирида бу йилги олтин импорти учун ажратилган маблағ 7 миллиард долларни ташкил этади. Бу Ҳиндистоннинг импорт маҳсулотлари орасида фақатгина нефтдан кейинги энг йирик маблағ ажратадиган маҳсулот демакдир. Ҳукумат экспорти тобора камайиб бораётган бир пайтда бунга улуғвор бир ҳодиса сифатида қарамоқда.

Юқори бўлган божхона тўлови ҳиндларни олтин сотиб олишдан ихлосини қайтара олмайди. Бу одат, айтиш мумкинки, кўникма, чуқур иқтисодий ва маданий илдизларга эга...

Олтин тақинчоқлар аёлларнинг ўзларини кўз-кўз қилиш учун тўплайдиган бойликларидир. Олтин буюмларга талаб қишлоқларда ҳам жуда кучли.

Ҳукумат юқори бож тўловлари, солиқларни камайтиришга шошилмаяпти. Бу борада тахминларнинг ҳаққоний сабаби эса яқинлашиб келаётган тўйлар мавсуми муносабати билан келиши кутилаётган улкан фойда ҳисобланади. Ҳукумат ўтган йилда импорт учун бўлган тўловлардан 12 миллиард рупя (290 миллион доллар) ни чегириб ташлади. Бироқ ҳозирги шароитдан фойдаланиб, кўпроқ олтин ёмбилар йиғишга ҳаракат қилаётган ҳукумат бир кунмас-бир кун олтин васвасасига чек қўйишга чоғланмоқда.

ЎКТАМБОЙ тайёрлади

Сиймо

ҚАРОҚЧИЛАР ҚИРОЛИЧАСИ

Ирландиянинг шимоли-ғарбий соҳилидаги чиқиб бўлмас қоялар тепасидаги қўҳна қалъанинг залига О'Мэйл - қабиласининг оқсоқоллари йиғилишади.

Қабила сардори, кекса О'Мэйл - жасур денгизчи ва жангчи айиқ териси устида жимгина ётарди. Ўртадаги оловнинг алангаси унинг қонсиз юзи ва гавдасинини хира ёритарди.

Оуэн О'Мэйл ҳаётдан кўз юмади. Энди уларни хўппа семиз испан савдогарларига ёки бойликдан улардан қолишмайдиган инглиз ва голланд савдогарларининг чет элдан олиб келаётган молларини босқин қилишга ким бошлаб боради? О'Мэйлнинг кучи ва қудрати билан қўлга киритиладиган бойликлар қани энди?

Тўғри, Оуэндан зурриёт қолди. Ўн тўрт ёшли ўғли Адульф ва ўн тўққиз ёшли қизи Грейс бор. Лекин, бири ҳали гўдак, иккинчиси, О'Мэйлнинг пушти камаридан бўлса-да, аёл.

Оқсоқоллар бошларини сардорлари жасади устига экканича жимгина ўтиришарди. Биринчи бўлиб оқсоқоллар ичида тажрибали ва доно ҳисобланган Олев тилга киради... Қабиламиз одатига кўра, сардоримизнинг жонсиз танаси устида унинг ўринбосари Адульф бўлсин!

Кекса жангчилар сукут ичида тиззаларини букиб янги сардорга содиқликларини изҳор этадилар.

Тўсатдан жимликни қиз боланинг жарангдор овози бузади. - Менинг ёшим катта. Шунинг учун мен бош бўлишим керак, бироқ оқсоқоллар уни сардор, деб эълон қилишган экан, мен Адульфни жангга чақираман. Қонунимизга қайд этилганидек ким енгса, ўша сардор бўлади. Отамиз ўрнига қай биримиз лойиқ эканлигимизни Оллоҳнинг ўзи билади.

Ҳайратда қолган жангчиларнинг нигоҳи кўзлари чақнаб, жингалак сочлари хурпайиб турган гўзал Грейсга тушади. У отаси билан бирга кўплаб денгиздаги жангларда қатнашган ва ўзининг жасорати билан донг таратган эди. Лекин ҳеч ким уни қабилага бошлиқ бўлишга журъат этади, деб ўйламаган эди. Бундан ташқари у жангга чақирган экан, рад этиш мумкин эмасди. Бу эркак киши, жангчининг, бундан ташқари бўлажак сардорнинг шаънига иснод эди. Удумга кўра яккама-якка олишув денгиз бўйида ўтади.

Бир неча оқсоқол опа-укани денгиз бўйига олиб чиққанда тонг оқарган эди. Ҳар иккаласини белигача ечинтириб,қўлига катта ов пичоғи тутқазишади. Кейин ҳакамлар қирғоқдаги баланд қоя тепасига чиқиб, олишув натижасини кўтишади: рақиблардан ғалаба қозонгани биринчи бўлиб тепага чиқади ва қабиланинг сардори бўлиб қолади.

Оқсоқолларнинг қадам товуши тинар-тинмас, рақиблар бир-бирига юзма-юз келади. Биринчи бўлиб Адульф ҳужум қилади. Қўлидаги пичоқни ўқталиб, у опасига яшиндай ташланади. Лекин опаси ҳушёр туради: тез чап бериб қолади. Ўсмир унинг ёнидан ғизиллаб ўтиб кетади ва каттакон тошга бориб урилади. Зум ўтмай қиз унинг ёнида пайдо бўлади. Укасининг қўлидан маҳкам ушлаб қайиради, пичоғининг тиғи ўз кўкрагига тўғриланиб қолади. Адульф кескин ҳаракат қилиб ўзини опасининг темирдек чангалидан қутқаради. Аммо у ёнга сакраганда, ўт-ўланлар орасида ётган тошга қоқилиб кетади ва мувозанатини йўқотиб, қирғоқ четидаги чуқурга қулаб тушади. Икки кураги ўртасига ўткир пичоқ тақалганини сезгач, уятдан қизариб-бўзариб, тишлари орасидан ''Енгилдим'' деб хириллайди.

Тепалик устида тўпланган оқсоқоллар ишонч билан уни енгади, деб кутишади. Тошлар орасидан қиз боланинг адл қомати кўринганда улар ҳайратдан қотиб қолишади.

Кўп ўтмай Грэйс оқсоқолларнинг тазйиқи билан кучли ва урушқоқ О'Флаэрти жамоасининг атоқли саркардасига турмушга чиқади. Лекин оилалилик Грейс ҳаётига заррача таъсир кўрсатмайди. У аввалгидек ўзининг кўп вақтини хавф-хатар билан тўла сафарларда ўтказади ва аҳён-аҳёнда эрининг уйига келади.

Ҳатто ҳомиладор бўлганида ҳам жамоадагилар ўзини бошлиқ қилиб кўтариб янглишмаганликларини исбот этади.

Бир кун Грейснинг эри сафардалигида қўрғон минорасидагилар денгизда сузиб бораётган катта кемани кўриб қолади. Шоҳ овози янграйди, орадан кўп ўтмай қароқчилар ўз сардорлари бошчилигида қайиқлари томон югурадилар. Грейс ҳар сафаргидек ўз ўрнида, олдинда. Бошқа жангчилар уни тўхтатиб қолишади. Грейс қароқчиларининг ихчам кемачалари ярим доира шаклида сузиб боришини кўзатиб туради. Мана улар бир саф бўлиб тизилишади-да, кучли қийқириқлар остида ҳужумга ўтади. Лекин шу пайт тўсатдан тўплар гумбурлайди ва испан кемаси устида порох тутуни кўтарилади.

Испан кемасининг командири тажрибали экан: тўплар бараварига ўқ узмайди, балки батерия-батерия бўлиб, бири ўқлаётганда иккинчиси отади. Қароқчиларнинг бир нечта қайиғи шу заҳотиёқ сувга ғарқ бўлади. Лекин шунга қарамай қароқчиларнинг бир нечта қайиғи испан кемаси бортига яқинлашиб келади. Аммо испанларнинг уюшган ҳолда узган ўқлари кема бортига тирмашганларни сувга улоқтиради. Улардан баъзиларигина жонини қутқариб қолишга муваффақ бўлади. Қўрғон деворида кузатиб турган Грейс ғазаб билан муштини дўлайтирар, омади келмаган жангчиларини лаънатларди.

Қароқчилар испанларга иккинчи марта ҳужум қилишга уринади. Лекин яна муваффақиятсизликка учрайдилар. Бир нечта қайиқдан ажраб ирландлар тартибсиз чекинишга бошлайди. Грейс воқеани ҳотиржам кузатиб тура олмайди. Олевнинг маслаҳатига қулоқ солмай, бўғозда турган қайиққа томон югуради. Унинг ортидан қуролларини жаранглатиб бир неча шахсий соқчилари ташланади. Чекинаётган ирландлар Грейснинг дароз гавдаси ва шамолда тўзғиган қоп-қора сочларидан таниб олишади. У уларга жасорат бағишлайди; ирландлар қайта ҳужумга ташланади.

Испан капитани кема қуйруғининг баланд жойида туриб ўз кемаси томон дадил сузиб келаётган елканли қайиқни қизиқиш билан кузатиб туради. Тўпчилар пушкалар ёнида командирнинг қўл силкишини кутиб тайёр турардилар, бироқ капитан сусткашлик қиларди. Қайиқда келаётган тентакларнинг нима қилмоқчи эканига унинг ақли бовар қилмасди.Қайиқ кеманинг жигар ранг бортига яқинлашиб келган сари ундагиларга кема бурнидаги шер тасвири ва палуба устидаги қурилмаларнинг безаклари яққолроқ кўринарди.

Испан капитани қўлини кутаради, аммо туширишни унутиб, қайиққа тикилиб қолади. Унинг кўзлари ҳайратдан катта очилганди. ''Синьорлар, - қичқиради у офицерларга, - у аёл-ку!''

Кемадагилар бир дақиқа саросимага тушади, аммо шу дақиқа Грейс қайиқлари тўп ўқи нишонга ололмайдиган даражада яқинлашиб келишига имкон беради.

Ҳуши жойига келган капитан қўл силтайди, лекин вақт ўтганди, тўп ўқлари қароқчиларга ҳеч бир зиён етказмайди. Орадан бир оз вақт ўтгач кема бортига илгаклар келиб санчилади.

Босқинчилик ўша асрда катта гуноҳ ҳисобланмасди. Ўз жамоасининг шон-шуҳратини оширган босқинчилик шараф ҳисобланарди.

Шафқатсизлик ва айёрлик бу аёл тимсолида ажиб тарзда ўз ҳамюртларига меҳрибонлик ва халқи урф-одатларига бўлган ҳурмат билан уйғунлашиб кетган эди. Бу аёл ўз ороли қирғоқларига эҳтиётсизлик орқасида яқин сузиб келган савдогарни совуққонлик билан таларди. Аммо ўша савдогар қоронғу совуқ тунда нажот излаб эшигини тақиллатса, унга ўша заҳоти олов ёнидан жой бериб, қорнини туйғизарди: бунда ирландияликнинг меҳмондўстлик одати кучга киради. Қароқчилар қироличасининг кўпдан-кўп муваффақиятли босқинлари овозаси кенг тарқалади. Грейс мулкига душманлар тез-тез ҳужум қила бошлайди. Ана шундай ҳужумлардан бирида унинг ҳаёт билан видолашишига озгина қолади.

Бир куни чўпонлардан бири унга инглизларнинг кичик бир отряди мулкига бостириб кирганини хабар қилади. Грейс жангчиларини тўплаб, бу ҳакда оқсоқолларга ҳам хабар бермай душманини яхшилаб кутиб олишга жўнайди. Ирландларнинг шиддат билан босиб келишига тоб беролмай инглизлар орқасига қарамай қочади. Сурбет босқинчиларнинг адабини бериб қўйиш учун қароқчилар сардори уларни кувишга тушади. Афсуски, бу уни алдаш учун қурилган бир тузоқ эди. Инглизларга қумондонлик қилган Берк қароқчилар сардорининг қайноқ қонлилигини яхши биларди. Қочганларни қувишга қизиқиб кетган таъқибчилар водийга тушар-тушмас улар устига пистирмада турган Беркнинг кўп сонли аскарлари ёпирилиб келади. О'Мэйл жангчилари қаттиқ олишади. Лекин бир неча ўн киши тиш-тирноғигача қуролланган юзлаб чавандозлар қуршовида нима қила оларди? Сўнгги жангчисининг товуш чиқармай қулаганини кўрган Грейс ўз қиличи билан ўзини ўлдирмоқчи бўлади, аммо кимдир унинг қўлидан қилични уриб тушириб юборади. Берк тантана қилади: ниҳоят ўзини ҳафа қилган қўлига тушганди. У Грейсга тиржайиб суд бўлишини таҳқиромуз айтади.

Суд кўп кутириб қўймайди. Берк ва бир неча инглиз офицери уни ва асир тушган бир неча жангчисини осиб ўлдиришга ҳукм қилади. Асирларни қийноққа солиш учун дарахт ўлдирмайдилар. Уларни бир дарахтга боғлаб қўйиб, рўпараларида дор қуришга тутинишади. Кеч кириб қолганлигиги уларнинг ишига ҳалақит беради ва Берк осишни тонгга қолдиради. Тунда лагер Олев отряди томонидан янчиб ташланади ва ўзларининг тиниб-тинчимас ҳукмдорларини қутқариб олишади.

Англия қироличаси Елизаветта Ирландиядаги қўзғолонларни бостириб улгурмагандан кейин бош эгмас қабилаларни алоҳида-алоҳида енгмоқчи ва шунинг учун О'Мэйл жамоаси билан сулҳ тузмоқчи бўлади. У Грейсга унинг барча босқинларини кечирганлиги ҳақида мактуб йўллайди ва ҳарбий иттифоқ тузишни таклиф қилади. Бундан ташқари Англия қироличаси қароқчилар қироличасини Лондонга келишга таклиф этади.

Грейс жасур бошлиқ эди, аммо узоқни кўра оладиган сиёсатдонлардан эмасди. У қироличани ўзини ''тан олиб'' қилган таклифидан хурсанд бўлади.

Тўғри, ирланд аёли ўзга мамлакатда расм бўлган унвонни олишдан мағрурона бош тортади, лекин, барибир инглизлар билан иттифоқ тузади.

У бундай иттифоқ Буюк Британиянинг юқоридаги воқеалар бўлиб ўтган пайтдан эллик йил кейин, мунтазам равишда қўзғолонлар кўтарилиб туришига қарамай, Ирландия ороллариги тўлиқ босиб олишига ёрдам беришини қаердан ҳам билсин.

"Сирли ҳодисалар антологияси" китоби асосида Р.Ҳафизхонов тайёрлади.

ИЧИШГА СУВ, КЎРИШГА ТЕЛЕВИЗОР ЙЎҚ

МУАММО ЭСА ТИҚИЛИБ ЁТИБДИ

Шикоят

Бизлар Китоб туманининг тоғ оралиғида яшовчи аҳоли ойнаи жаҳондан тўлиқ баҳраманд бўлмасак-да, радиодан эшитиб, матбуотдан ўқиб, янгиликлардан бохабар бўламиз. Шунда, тўғрисини айтсак, айрим ҳудудларда яшовчи аҳолининг яшаш тарзига ҳавас қиламиз, биз яшайдиган ҳудудда эса ҳеч қандай ривожланиш бўлмаётганлигидан афсусланамиз.

Яқинда тумандаги ''Паландара'' фуқаролар йиғинига қарашли Катлос, Туюл, Гузарнафс, Туябоши, Тошқишлоқ, Қишлоқча, Ошқозон, Сумак қишлоқлари аҳолиси ўзаро йиғилишиб, бунинг сабабларини ''юз ишчига бир бошчи'' мақолидан излаб топгандай бўлдик. Биз бугунги кунда қишлоқларимизда адолат мезони бузилаётганлигидан ранжимоқдамиз. Шунинг учун ўз фуқаролик ҳуқуқимизни ҳимояланишини истаб, ушбу номани ёзишга мажбур бўлдик.

Паландара фуқаролар йиғини ҳудудидаги ''Паландара'' деҳқонлар уюшмасида иккита Ш. Рашидов номли ва ''Тагоб'' деҳқон хўжаликлари мавжуд бўлиб, уюшма раиси А. Воҳидов 1997 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Лекин 1996--97 йиллар 1200 гектар лалми ерга ғалла экилган бўлса, янги раис келгандан буён, яъни 1997--1998 хўжалик йилида 700 гектар ерга ғалла экилди. 1998--99 хўжалик йилида 500 гектар атрофида ғалла экилган. Юқоридаги ғалла экилган майдонлар Ш. Рашидов деҳқон хўжалигига қарашли бўлиб, янги раис А. Воҳидов келганидан буён ''Тагоб'' деҳқон хўжалигида мавжуд 400 га лалми ер бўла туриб, бир гектарга ҳам лалми ғалла экилмади.

Хўжаликдаги лалми ерларнинг маълум қисми шартнома асосида деҳқон-фермер хўжаликлари ва ижарачиларга берилмоқда. Шартномада эса бир гектар лалми ердан ғалла ҳосилдорлиги 14 центнер, шундан 40 фоизи тоза ғалла, бир гектар лалми зиғиридан эса ҳосилдорлик 5 центнер, шундан 40 фоизи тоза ҳолда зиғир ҳисобида қилиб белгиланган. Лекин хўжалик ижарачиларга уруғ ҳам, техника ва ёқилғи ҳам бермайди. Бундан ташқари ''Паландара'' деҳқонлар уюшмаси бўйича бирор бир соҳа ижобий натижага эга эмас. Жумладан, мева режаси бажарилмаган, узум соҳаси эса бундан баттар. Токзорлар қаровсизлиги, агротехника қоидаларига амал қилинмаслиги сабабли касалланиб, ҳосилдорлик камайиб кетган. Натижада хўжаликнинг иш ҳақидан қарздорлиги ошиб бормоқда.

''Паландара'' деҳқонлар уюшмаси раиси А. Воҳидов мансаб курсисига ўтиргунга қадар қурилиши бошланиб, ниҳоясига етказилмаган ''Сумак-Найфароғ-Дўрмон'' каналини қурилишини давом эттириш ўрнига, келтирилган металл трубалар талон-тарож қилиб юборилди. Республикамиз аҳолисининг деярли барчасининг ижтимоий шароити яхшиланиб бораётган ҳозирги даврда бизларнинг аҳволимиз жуда оғир вазиятда. Жумладан, тоза ичимлик суви ва газ билан таъминлаш ҳанузгача амалга оширилмаган. Аҳоли очиқ ва ҳовуз сувидан истеъмол қилиб келмоқда. 865 ўринли 65-ўрта умумий таълим мактаби ўқувчи, ўқитувчилари ва баъзи қишлоқ аҳолилари эса қабристонлар оралиғидан ўтиб келаётган сувдан истеъмол қилиб келмоқдалар. Бу эса ўқувчилар ва аҳоли саломатлиги учун турли касалликларга сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари шу мактабнинг янги биноси қурилиши тугалланмаган. Юқоридаги ичимлик суви ва мактаб қурилиши масаласи бўйича ''Паландара'' деҳқонлар уюшмасига (А. Воҳидов), Паландара фуқаролар йиғинига (Х. Алиқулова), Китоб тумани ҳокимлигига (У. Хидиров)ларга бир неча маротаба мурожаат қилинишига қарамасдан, бирор бир ижобий натижага эга бўлмадик. Газ масаласи эса бирор бир раҳбарнинг ҳаёлига ҳам келгани йўқ. Ҳатто балонлик газ ҳам топилмайди.

Мустақил Республикамизни янада мустаҳкамлаш, халқимизнинг ҳар томонлама яхши яшаши, уларни ҳимоялаш, тинчлигини сақлаш ва меҳнат аҳлини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор фармонлари, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари қабул қилган бўлса-да,бу тадбирлар бизнинг ҳудудимизда умуман амалга оширилмаган. Паландара фуқаролар йиғини ҳудудида аҳолини турмуш тарзини ўрганиш мақсадида Республика радиоси, телевидениясининг ва матбуотидан бирор бир мухбир ташриф буюрганини эслай олмаймиз. ''Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида''ги қарорга асосан барча фуқаролар йиғинлари раислари вакиллар йиғилишида муқобил номзодлар асосида сайланиши лозим бўлса-да, бизнинг Паландара фуқаролар йиғини раисини сайлаш мутлақо қонунга хилоф равишда ўтказилди. Мавжуд қишлоқлардан бирортасида ҳам вакиллар йиғилиши ўтказилмаган, вакиллар ва муқобил номзод кўрсатилмаган. Яширин тарзда ўтказилган фуқаролар йиғини раисни сайлаш йиғинида эса туман ички ишлар бўлимидан вакил, Паландара фуқаролар йиғини раисининг укаси -- Паландара фуқаролар йиғини ҳарбий стол бошлиғи Алиқулов ва клуб мудири Жумаев Арзиқулларнинг мажлис зали эшигида қоровул қилиб қўйилганлиги сабабли ўз дардини айтмоқчи бўлган фуқаролар Юсупов Шокиржон, Муҳаммадиев Назиркул, Очилова Анвара ва бошқалар йиғилишга киритилмаган.

Холбуки, Х. Алиқулова 1986 йилдан буён Паландара фуқаролар йиғини раислиги лавозимида ишлаб келмоқда. Аммо шу ўтган давр мобайнида фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси учун жон куйдиргани йўқ. Ҳудудда аҳолини иш билан таъминлаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида бирор ишни амалга оширгани йўқ. Қиш мавсумида электр чироғи суткалаб ёнмайди. Тиббиёт хизмати кўрсатиш қониқарсиз аҳволда. Беморлар эса туман шифохонасига шахсий машиналарида олиб борилмоқда. Телевизор кўрсатмайди, савдо дўконларида 8 хил турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари топилмайди. Бундан ташқари кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам пули адолатсизлик билан тақсимланмоқда

Юқорида қайд этилган фактларни текшириб, натижасига асосланиб, халқимизнинг ҳақли норозилигига сабаб бўлган бошлиқларимизнинг эътиборсизлиги оқибатида ҳудудимизда йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этишда амалий ёрдам берасизлар ҳамда адолатли ҳал қиласизлар деган умиддамиз.

Қашқадарё вилояти, Китоб тумани Абдулла Қаҳҳор номидаги 65-ўрта мактабнинг бир гуруҳ ўқитувчилари ва қишлоқ фуқаролари:

Ҳожиев Ф, Воҳидов А, Аҳмедов М, Зарипов Л, Рустамов Б, Каримов М, Шомансуров Ж, Юсупов Ш.

МИЛЛАТЧИЛИК МЕЪЁРИ

Ўзимиздан ҳам айб ўтган

Ўй

Кўпинча ёши улуғ, кўпни кўрган кишилардан: ''Ҳар бир иш меъёрида бўлгани яхши'', - деган гапни эшитамиз. Бе-ихтиёр бир савол туғилади: ''Меъёр'' сўзини қандай тушуниш лозим? Аниқроғи, ҳар бир ишнинг меъёрини ким белгилайди? Мени анчадан буён шу савол ўйлантириб келарди. Бу бежиз эмас, албатта.

...Фарғона воқеалари содир бўлиб турган вақтлар эди. Бу пайтда мен республика радиосида ишлардим. Катта бир мажлисда ёш журналист йигит: ''Фарғонадаги фожеаларга ўзбек халқи эмас, балки айрим тўдалар айбдор'', дегандек ўз фикрини билдира бошлади. Унинг куюниб гапираётганини ёнгинамда ўтирган бир русийзабон ҳамкасбимиз тингларкан, шеригига: ''экстремист'' дея қўлини бигиз қилиб ҳалиги ёш журналистни кўрсатди. Шунда унинг гапига ҳайрон бўлгандим. Ахир, киши бўлиб ўтаётган воқеага ўз муносабатини билдиришга ҳаракат қилса, нимаси ''экстремист''?

...Талабалик йилларимиз эди. Уч-тўрт киши суҳбатлашиб турсак, дўппи кийган курсдошимиз бизга яқинлашди. Даврамиздаги бир рус қизи эса: ''Нима, бошинг совқотиб қолдими дейман, дўппи кийиб олибсан? Ё бўлмаса, ''Сен ўзбексан, дўппи кийиб юришинг керак'', деб қулоғингга қуйишдими? Тўғрисини айтсам, сиз ўзбеклар шунақанги миллатчисизларки!'' - дея гап қотди киноя билан.

Шу воқеалар хаёлимдан ўтаркан, бир дўстимнинг Болтиқ бўйи республикалари ҳақидаги таассуроти ёдимга тушди. У меҳмон бўлиб борган хонадон эгалари рус оиласи экан. Уни жуда яхши қабул қилишибди, ҳақиқий меҳмондўстлик намунасини кўрсатишибди. Лекин дўстимни ҳайрон қолдирган жойи шу бўлибдики, мезбонлар меҳмоннинг ҳурмати учун у билан рус тилида сўзлашишар, у нари кетгач, оила аъзолари ўзаро маҳаллий тилда сўзлашишга ўтишар экан.

Шунда дўстим улардан:

- Сизлар оилада нега она тилингизда сўзлашмайсизлар? - дея сўрабди. Унинг бу саволига мезбонлар кулиб жавоб қайтаришибди:

- Тўғри, биз русмиз. Лекин бизга ёшликдан маҳаллий миллатнинг тилини, маданияти ҳамда удумларини ҳурмат қилишни ўргатишган. Буни ҳар бир маданиятли киши тўғри тушуниши зарур. Биз она тилимизни ҳурмат қиламиз, лекин маҳаллий миллат тилини ҳам ундан ортиқ ёки кам кўрмаймиз.

Шу ўринда савол туғилади: Хўш, нега бизда бунинг тескариси содир бўлди? Нима учун ҳатто турли мажлислар ҳам, унда қатнашувчиларнинг 99 фоизи маҳаллий миллат вакиллари бўлишига қарамай, фақат рус тилида ўтказиладиган бўлди? Бунга ҳам собиқ шўролар тузумининг тазйиқи сабаб эдими? Шундай бўлса, бу тузум биздан бошқа миллатларга тазйиқ ўтказмаганмиди?

Афсуски, ҳамма айб ўзимизда, аниқроғи, дўпписини ол деса, бирйўла калласини ҳам кўшиб оладиган лаганбардорларда эди. Улар учун мажлисларнинг ўзбек тилида ўтиши ''Улуғ оға''ни ранжитиш, ўзбек тилида иш юритишни тарғиб қилиш эса миллатчилик ҳисобланар эди. Қисқача айтганда, бу даврда миллатчилик меъёрини белгилаш, бўлар-бўлмасга ''миллатчи'' деган тамғани ёпиштириш лаганбардорларнинг қўлида эди.

Шукрки, ҳозир замон ўзгарди. Шу билан бирга меъёр ҳам ўзгарди. Биз мустақил тараққиёт йўлига чиқиб олдик. Ўз навбатида она тилимизни ҳурматлаш, уни бойитиш ва эъзозлаш ҳуқуқига эга бўлдик. Буни ҳатто катта масъулият деб атасак ҳам янглишмаймиз. Бундан буён мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси она тилимизни қадрлашни ўзининг фуқаролик бурчи деб билмоғи зарур.

Халқимизда қадимдан: ''Сен ўзингни қадрласанг, бошқалар ҳам сени ҳурмат қилади'', деган нақл бор. Шундай экан, ҳар биримиз она тилимизнинг ҳурматини жойига қўяйлик. Шундагина у тараққий этади, ҳар биримизнинг фахримизга айланади.

Неъмат РАФИҚОВ

СИЁҲИ ҚУРИМАГАН МАТАЛ ВА МАҚОЛНАМО ҲАЁТИЙ ИКИР-ЧИКИРЛАР, ҚОФИЯГА СОЛИНГАН ФИКРЛАР

Кулги

Раҳбарга ёғилар тўёна, узатишар уни хуфёна.

* * *

Айрим тўйларда жондан бошқаси бор, бечора юпунлар бир қоп унга зор.

* * *

Агар мақсадинг бўлса улуғ, бошлиқ уйига борма қуруқ.

* * *

Топсанг агар ҳаром пул, бору йўғинг бўлар кул.

* * *

Бойвачча текин тўёнани ейди босиб, гар қўлга тушса қўяди ўзини осиб.

* * *

Маҳкам боғланг журналист белни, энди ёзадиган вақт ҳам келди.

* * *

Ҳасадчи ўзини кемиради, ҳавас қилган эса семиради.

* * *

Икки нафсинг гар бўлса ғолиб, қаердадир жасадинг кетар қолиб.

* * *

Кимки бўлса ўғри, текинтамоқ, уни ўнглайди фақат қамоқ.

* * *

Аттор сотиб, овчи отиб ейди.

* * *

Ойнаи жаҳонга диктор, шифохонага доктор керак.

* * *

Кабобпазга толиқ ғўшт,қиз узатганга эса тўш керак.

* * *

Фарзанд кўрганга бешик, уй қурганга эшик керак.

* * *

Сартарошлар ялтиратиб, тиш шифокорлар қалтиратиб олади.

* * *

Қўшиқчи айтиб, номард қайтиб олади.

* * *

Ўқитувчи ўқитиб, ўғри кўрқитиб олади.

* * *

Лаганбардорнинг лаган тутгани, бил сендан бирор нима кутгани.

* * *

Носкашга кул, савдогарга пул керак.

* * *

Йигитларга ярашар пичоқ, аёлларга эса — ўчоқ.

* * *

Шоирларни ёзган шеъри, қассобни каллаю тери боқади.

* * *

Ҳайдовчи элтиб, лаганбардор елпиб топади.

* * *

Санъаткорни боқади тори, аптекачини эса - дори.

* * *

Кек одамни кемиради, занг темирни емиради.

* * *

Чайқовчи чайқаб, лаганбардор алқаб, гадой сўраб, бошлиқ ўраб, прокурор бураб олади.

* * *

Болали уй -- бўстон, аёлсиз уй - зимистон.

Нурбек РАҲИМ

ФАРҒОНА

МИЛЛИОНЕР БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ?

Осмондан пул ёғилади, деган гапга ҳам ишонаверамиз

Фириб

Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим ўтган замонда эмас, қисқаси, шу ҳозирги замонда бир қитмирроқ киши бор экан. Кунларнинг бирида ўша киши автобус бекатида қизиқ бир эълонни кўриб қолибди. Эълонда:

''Бойлик орттиришнинг осон йўлини билишни истасангиз, қуйидаги манзилга ўз манзилгоҳингиз битилган бир дона хатжилд билан 100 сўм пул юборинг'', -- деб ёзилган экан. Эълон ёрлиғини йиртиб олишга қулай бўлишлиги учун қирқиб-қирқиб қўйилган қуйи қисмида манзилгоҳ кўрсатилган эди. Кимлардир ўша манзилгоҳ ёзилган жойларидан бир-иккитасини йиртиб олган эди. Бизнинг қаҳрамон ҳам манзилгоҳ ёзилган бўлакларнинг қолган ҳаммасини йиртиб олибди-ю, хатжилд қидириб кетибди. Яқин-атрофдаги дўкончадан иккита хатжилд сотиб олиб, бирига ўз манзилгоҳини ёзибди ва унга 100 сўм пул қўшиб, иккинчи хатжилдга солибди-да, эълонда кўрсатилган манзилга жўнатибди. Шундан кейин осонгина ''соққа қилиш''ни ўргатувчи мактубни ширин орзулар билан кута бошлабди.

Буни қарангки, орадан бир неча кун ўтгач, ниҳоят, ўша мактуб келибди. Қаҳрамонимиз мактубни очиб ўқиса, унда: ''Мен қилган ишни сиз ҳам қилинг'' деб ёзилган экан. Акахонимиз аввалига бироз ҳайрон бўлиб турибди, кейин эса ўзича ''фикр юрита'' бошлабди. Синаб кўрса бўлади, бундан осон ''бизнес'' борми ахир! Бирон соҳани ўқиб-ўрганишни, ҳар хил ҳужжат-пужжатларни, бизнесни бошлашда керак бўладиган катта сармоянинг ҳам хожати йўқ. 100 сўмга сотиб олган ''товар''ини қайта-қайта сотаверади-да. Товар рекламасининг матни ҳам тайёр, ўша ўзи ўқиган эълон. Фақат уни бироз ўзгартириб, таъсирчанроқ қилиш лозим. Сўнгра тижоратни бошлашга қарор қилибди. Ўйлай-ўйлай қуйидаги эълон матнини ҳам тайёрлабди:

''Диққат ҳаммага! Бойиб кетишнинг энг самарали, синовдан ўтган, америкача усулини ўрганишни истасангиз, қуйидаги манзилга ўз манзилгоҳингиз ёзилган бир дона хатжилд билан 100 сўм пул жўнатсангиз кифоя, орзуингиз ушалади.''

Энди ''рекламани'' кўпайтириб, одамлар гавжум жойларга, автобус бекатларига ёпиштириб чиқиш қолганди, холос. Ёш ''бизнесмен'' буни ҳам уддасидан чиқибди. Кейин нима бўлгани бизга қоронғу, лекин узун-қулоқ гапларга қараганда, ўша ''бизнесмен'' ишини ривожлантириб, ''товар'' ва ''хизматлар'' турини кўпайтирган ва мазкур ''соҳага'' ихтисослашган ''фирма'' ташкил қилган эмиш.

Ким билади дейсиз, балки ростдир. Ахир бекатларда автобус кутувчилардан кўра одамнинг кулгисини қистайдиган, юқоридагига ўхшаш, ''осон меҳнат эвазига мўмай пул'' ёки ''ўз эгасини кутаётган сармоя'' лар деб ёзилган, турли-туман эълонлар кўпаймоқда. Ваҳоланки, уларнинг замирида не-не хийла-найранглар ётибди. Ахир ҳозирги бозор иқтисоди даврида қайси пули кўп фирма ё компания оз ишлатиб кўп хизмат ҳаққи тўлар экан...

Оддий бир мисол: ўша эълонларда кўрсатилган манзилга мурожаат қилсангиз, эълонда келтирилган ''иш'' тўғрисида сизга ''консультация'' беришларини таклиф қилишади. 200- 300 сўм пул тўлаб, ''зўр'' маслаҳатни олганингиздан кейин бу ишнинг қайсидир томони сизга тўғри келмай қолади ва жимгина қўлни ювиб қўлтиққа урасиз. Бу фирибгарларнинг мингдан бир найранги холос. Сиз ва мен билмаган яна не-не фирибгарликларни ўйлаб топмайди улар.

Шуҳрат ЙИГИТАЛИЕВ

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги ''FARBEK'' хусусий ишлаб чиқариш фирмаси **ТУГАТИЛАДИ**
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади. Тел: 43-41-96.

Тошкент шаҳар С.Раҳимов туманидаги С. Сирожиддинов номли 1-мактаб томонидан Ибрагимов Муҳаммадравшан номига берилган №309122 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ОВОЗА

Март ойидан бошлаб деҳқонлар маошларини ойма-ой олармиш

ЧОРШАНБА

Бир кунинг хислати

Байтулмуқаддасдан сўнг мен Иброҳим Халил ар-Раҳмон алайҳиссаловоту вассалом мозорини зиёрат қилишга азм этдим. Тўрт юз ўттиз саккизинчи йил зулқаъда ойи бошида, ЧОРШАНБА куни (1047 йил, апрел) мен у ерга жўнадим. Байтулмуқаддасдан ушбу машҳад жойлашган ергача олти фарсангдир...

Мадинадан Маккагача юз фарсанг масофа, аммо йўл тошлоқ бўлгани учун биз саккиз кун юрдик. Олтинчи зулҳижжада якшанба куни Маккага кириб келдик ва Бобуссафо дарвозаси ёнида тўхтадик. Бу йил Маккада қаҳатчилик бўлиб, тўрт ман нонни бир нишопури динорига сотишарди. Одамлар Маккани ташлаб кетишар ва атрофдан ҳожилар ҳам келмай қўйишган эди.ЧОРШАНБА куни Ҳақ субҳонаҳу ва таоло мадади билан Арофат тоғига чиқиб ҳажни бажо келтирдик. Маккада икки кунни ўтказдик...

Носир ХИСРАВ,
''Сафарнома''

ЁМОНЛИККА ЯХШИЛИК

ЖАНОБИ РАСУЛУЛЛОҲ ВАСИЯТЛАРИ

Ҳикмат

- Ё, Али, мўминда уч фазилат бор: намозни ўз вақтида ўқийди; рамазон ойида рўзадор бўлади; молининг закотини беради.
- Ё, Али, мунофиқда уч аломат бор: сўзлаганда ёлғон гапиради; ваъдасига вафо қилмайди; омонатга хиёнат қилади.
- Ё, Али, золимда уч аломат бор: қўли остидагиларни ранжитади; қўли остидагиларни ҳурматламайди; одамлар ҳақидан қўрқмайди.
- Ё, Али, ҳасадчида уч аломат бор: сенинг ҳузурингда хушомадгўйлик қилади; йўқлигингда ғийбатингни қилади; агар бирор кишининг бошига мусибат тушса ё ғам етса, шодланади.
- Ё, Али, оқилда уч фазилат бор: бойликка ружу қилмайди; жафо кўрса, чидайди; қийинчиликка сабрли бўлади.
- Ё, Али, хушбахтда уч фазилат бор: ҳалол луқма ейди; илм аҳли билан ҳамсуҳбат бўлади; беш вақт намозни жамоат билан ўқийди.
- Ё, Али, бадбахтда уч аломат бор: ҳаром луқма ейди; уламолар суҳбатидан қочади; намозни ёлғиз ва бевақт (хушига келганда) ўқийди.
- Ё,Али, эзгу ниятли кишида уч аломат бор: тоат-ибодатда ибрат кўрсатади; гуноҳлардан сақланади; ёмонлик қилган кишига ҳам яхшилик қилади.



АЙЛАНМА КРОССВОРД

Жавоблар шаклида белгиланган хонадан соат мили йўналишида рақам атрофига ёзилади.

1. XVIII аср охири XIX аср бошларида яшаб ижод этган ўзбек мумтоз шоири, масалнавис. 2. Усмон Носир қаламига мансуб достон. 3. XVIII аср шоири ва мунаққиди Лутфалибек Озарнинг кўплаб шоирлар ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлар баён этилган асари. 4.Асарларида бирлик, севги, садоқат ва бахт каби эзгуликларни куйлаган туркман мумтоз шоири. 5.''Девони луғоти-турк'' нодир асарини ёзиб қолдирган Ўрта аср тилшунос олими. 6. Ўзбек олими, шоири, ёзувчиси ва драматурги, ''Арслон'' асари муаллифи. 7.''Бўстон'' асари муаллифи, форс-тожик мутафаккири, мумтоз шоир. 8. Ўзбек маърифатпарвар шоири. 9. XIX аср ўзбек адабиётининг намояндаси, ''Муҳаббатнома'' достони муаллифи. 10.Муқимий шеърларидан бири. 11.Мумтоз шоир, ''Қиссаи Сайфулмулк'' достони муаллифи. 12.XIX аср ўзбек мумтоз шоири, тарихнавис олими, таржимон. 13.Атоқли адиб, Қирғизистон халқ ёзувчиси. 14.Ойбекнинг ўзбек мумтоз шоири ҳақидаги романи. 15.Муҳим тарихий воқеалар ва машҳур шахслар ҳақида ёзилган шеърий асар. 16.Кулгили воқеа-ҳодиса ҳақидаги кичик асар. 17.Хамсанавис, ота-бобоси шаҳрисабзлик ҳинд шоири ва олими. 18.Абдулла Қодирийнинг ''Ўткан кунлар'' романи қаҳрамони. 19.Туркистонда жадидчилик ҳаракати намояндаларидан бири, ''Самарқанд'' газетаси, ''Ойина'' журнали нашири ва муҳаррири, ''Падаркуш'' асари муаллифи. 20.Алишер Навоий замондоши, қасиданавис шоир ва тарихчи, бастакор. 21.''Гўрўғли'' туркумидаги ўзбек халқ достонларидан бири.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

ҲУРРИЯТ
МУСТАҚИЛ ГАЗЕТА
1990 йил декабрдан чиқа бошлаган
Ўзингни англаб ет!

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси

Бош муҳаррир: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД
Таҳрир ҳайъати: Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Амирқул КАРИМОВ, Наим КАРИМОВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Аҳмаджон ЎЛМАСОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-69-45, 136-53-63, 136-58-79
Буюртма – Г 0133
Индекс: Якка обуначилар учун – 233, Ташкилотлар учун – 234

Навбатчи муҳаррир: Зокиржон АЛИБЕКОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босиш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00